Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 76 (6188).

19 АПРЕЛЬ

ЧОРШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Кеча Тошкентда тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси очилди.

Депутатлар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси мажлислар залида.

А. Горокрик ва А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

18 апрель куни Тошкентда тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси очилди.

Эрталаб соат 10 да Олий Советнинг биринчи мажлиси бошланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова**, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг аъзолари ҳукумат ложаларидан жой олдилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **С. Ҳ. Сирожиддинов** очди.

Олий Совет Раисининг ўринбосарлари депутатлар **З. Исроилова, В. Д. Новоселов, П. Холматов** раис столи ёнидан жой олишди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутат А. Давроновнинг хотирасини ўринларидан туриб ҳурмат билан эсга олдилар.

Олий Совет мандат комиссияси раисининг ўринбосари **Г. М. Орловнинг** ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига 1978 йил 16 апрелда сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколатларини текшириш натижалари тўғрисидаги доклалини тинглади. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари — 206-Темир йўл сайлов округидан сайланган Ганий Мазитович Рафиковнинг ва 217-Кат сайлов округидан сайланган Нўлат Каюмовнинг ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилинди.

Депутатлар сессиянинг кун тартибини бир овоздан таслиқладилар. Кун тартибида битта масала бор.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг лойиҳаси тўғрисида.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетининг биринчи секретари, Конституция комиссиясининг Раиси депутат **Ш. Р. Рашидов** Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг лойиҳаси ҳамда унинг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисида доклад қилди.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасининг узил-кесил текстини тайёрлаш учун депутат **Ш. Р. Рашидов** раислигида 55 депутатдан иборат редакцион комиссия тузди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда депутатлардан **И. Б. Усмонхўжаев** (137. Ильич сайлов округи), **К. Раҳимбоева** (46-Гагарин сайлов округи). Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг депутати **А. Каримов** қатнашдилар.

Танаффусдан кейинги мажлисда музокаралар давом эттирилди. Музокараларда депутатлардан **Е. Т. Смагин** (62-Қурилиш сайлов округи), **Е. Айтмуротов** (452-Халкобод сайлов округи), **М. К. Камолов** (89-Киров сайлов округи), **З. Исроилова** (58-Энергетика сайлов округи), **П. Х. Кан** (363-Янгиер сайлов округи), **Т. Охунова** (105-Эскитошкент сайлов округи), **Р. Эшчонов** (428-Қўйқўпир сайлов округи), **Н. Эргашева** (190-Шофиркон сайлов округи), **М. К. Нурмуҳамедов** (306-Пайариқ сайлов округи) сўзга чиқдилар.

* * *

Соат 16 да Олий Советнинг иккинчи мажлиси бошланди. Мажлисни Олий Совет раисининг ўринбосари депутат **З. Исроилова** очди.

Муҳокама қилинаётган масала юзасидан музокараларда депутатлар **Ҳ. Х. Яҳёев** (166-Районобод сайлов округи), **Т. Қ. Муҳсинова** (355-Ворошилов сайлов округи), **И. И. Головачев** (236-Якабоғ сайлов округи), **Э. Балхчи** (278-Пионер сайлов округи), **Т. Исмоилов** (401-Учқўрғон сайлов округи), **М. С. Восиқова** (387-Ғазёвон сайлов округи), **У. Ёрова** (351-Жонгелдин сайлов округи), **Ш. Ниёзов** (313-Улуғбек сайлов округи), **А. А. Мунаварова** (23-Ўзбекистон сайлов округи) қатнашдилар.

Шу билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳаси ҳамда унинг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисидаги доклад юзасидан музокараларни тамомлади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИНИНГ УЗИЛ-КЕСИЛ ТЕКСТИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ РЕДАКЦИОН КОМИССИЯНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасининг узил-кесил текстини тайёрловчи редакцион комиссия қуйидаги составда тузилсин:

РЕДАКЦИОН КОМИССИЯ РАИСИ

РАШИДОВ Ш. Р.

РЕДАКЦИОН КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Абдалин А. С.
Абдуллаева Р. Ҳ.
Айтмуротов Е.
Анисимкин И. Г.
Отақўзиев Р. (Ўйғун).
Аҳмедов Қ. А.
Аҳмедов Р.
Охунбобоев К. И.
Охунова Т.
Бобоназаров Р.
Белоножко С. Е.
Бўрихўжаев Н.
Воснқова М. С.
Владимирова А. М.
Габриельянц Г. А.
Ғафуржонов Э. Ғ.
Греков Л. И.
Дудин К. П.
Исоқова М.
Ислямов А.
Козимов В. О.
Камолов Қ.
Камолов М.
Кароматова М.
Қориев М.
Қаюмов М.
Қурбонов И. Р.
Кўчиев Ж.
Мамарасулов С.
Матчонов Н. М.
Маҳмудов Н.
Маҳмудова Н. М.
Мелкумов Л. Н.
Мўйдинов М.
Мусахонов М. М.
Мухитдинова Х.
Мухортов М. Д.
Ниёзов Ш.
Нўъмонов Комил (Яшин).
Орлов Г. М.
Осетров Т. Н.
Рибалко В. И.
Салимов О. У.
Сирожиддинов С. Ҳ.
Султонова С. У.
Тимофеев Н. Ф.
Турсунов М. Т.
Умаров А. О.
Усмонхўжаев И. Б.
Хван М. Г.
Хўжаев А. А.
Хўжаев А. Р.
Худойбердиев Н. Ж.
Яҳёев Ҳ. Х.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1978 йил, 18 апрель.
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасининг узил-кесил текстини тайёрловчи редакцион комиссия мажлиси

18 апрелда Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасининг узил-кесил текстини тайёрловчи редакцион комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда редакцион комиссия Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов раислик қилди.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўз нутқида республика Олий Советининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилиш ниҳоясига етганлиги совет халқининг бузилмас бирлигини, унинг КПСС Марказий Комитети, атоқли партия ва давлат арбоби ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси теварагига жипслашганлигини яна бир марта намойиш этганлигини таъкидлаб ўтди.

Сессияда сўзга чиққан депутатлар Конституция лойиҳасини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Шу билан бирга депутатлар Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасига баъзи тузатишлар ва қўшимчалар киритдилар.

Редакцион комиссия шу тузатишлар ва қўшимчаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилди. Комиссия Конституция лойиҳасини таклиф этилаётган тузатиш ва қўшимчалар билан бирга Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиғига ҳавола қилиш тўғрисида якдиллик билан қарор чиқарди.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Эдвард Герек КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан 17 апрелда қисқа муддатли дўстона визит билан Москвага келди.

Аэродромда Э. Герекни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР министри Б. П. Бугаев, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Г. Х. Шахназаров, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ПХРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси К. Ольшевски бор эди. (ТАСС).

ҲАМЖИҲАТЛИК РУҲИДА

18 апрель куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев дўстона визит билан Москвага келган ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек билан учрашди.

Л. И. Брежнев ва Э. Герек ўртоқлар КПСС XXV съезди ва ПБИП VII съездининг қарорлари қандай 'бажарилаётганлиги ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар. Улар ҳар икки қардош партиянинг ишчиллик билан олиб бораётган интернационал сиёсати натижасида совет ва поляк халқларининг дўстлиги мустаҳкамланаётганлигини, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида улар ўртасидаги самарали ҳамкорлик юксалиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этдилар.

Жумладан, оғир саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш соҳасида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида бир қанча проблемаларни биргаликда ҳал этиш тўғрисидаги аҳдномалар муваффақиятли равишда амалга оширилаётганлиги айтиб ўтилди.

Л. И. Брежнев ва Э. Герек халқаро сиёсат масалаларини муҳокама қилиш чоғида инсоннинг олий ҳуқуқини — тинч яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун қўлдан келган ҳамма ишларни қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Улар қуролланиш пойгасининг давом этаётганлигидан ташвишланаётганликларини билдирдилар. АҚШ ва унинг НАТОдаги баъзи иттифоқчилари қуролланиш пойгасини кучайтирмоқдалар. Л. И. Брежнев билан Э. Герек ҳозирги шароитда тинчликка даъват этувчи умумий чақириқлар эмас, балки ядро хавфини камайтиришга, қуролсизланишга қаратилган конкрет тадбирлар муҳим эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Уз тинчликсевар ташқи сиёсати принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи ва Польша бошқа давлатлар билан биргаликда ана шундай тадбирларни қабул қилишга тайёрдирлар.

Ҳар икки қардош партия раҳбарлари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатидаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олдилар. КПСС билан ПБИП муштарак мақсадлар учун курашда ана шу ҳаракатнинг жипслигини мустаҳкамлашга бундан буён ҳам ҳар томонлама кўмаклашишга доимо тайёр эканликлари изҳор этилди.

Л. И. Брежнев билан Э. Герек ўртоқларнинг учрашуви дўстлик, самимият ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, ПБИП Марказий Комитети секретариати канцеляриясининг мудири Е. Вашчук иштирок этдилар.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ Э. БАР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Германия социал-демократик партиясининг Москвага келган федерал секретари Эгон Бэрни 18 апрелда қабул қилиб, у билан суҳбатлашди.

Суҳбатда ГФРга қилинадиган визит муносабати билан Совет—Ғарбий Германия муносабатларининг баъзи бир актуал масалалари, шунингдек Совет Иттифоқи билан ГФРни қизиқтирувчи бир қанча халқаро проблемалар кўриб чиқилди.

(ТАСС).

КРЕМЛДАГИ МУЗОКАРАЛАР

Кремлда А. Н. Косигин билан Ф. Бернхэм ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Амалий дўстона вазиятда ўтган музокаралар вақтида сиёсий иқтисодий ва маданий соҳаларда ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш масалалари қараб чиқилди. Жумладан, Совет — Гайана ҳамкорлигининг шартномалар негизини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ҳар икки томонни қизиқтирувчи муҳим халқаро проблемаларни муҳокама қилиш чоғида ялпи тинчликни мустаҳкамлаш масалаларига ва биринчи навбатда қуролсизланиш масалаларига, шунингдек тенг ҳуқуқлилик ва адолат принциплари негизида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Гайананинг блокларга қўшилмаган мамлакатлар томонидан империализмга қарши, мустамлакачиликка қарши олиб борилаётган курашга ижобий ҳисса қўшаётганлиги ўқтириб ўтилди. Мустамлакачилик ҳукмронлиги қолдиқларининг сақланиб қолишига, шу жумладан, Кариб ҳавзаси районида ҳам сақланиб қолишига қарши, озод этилган халқларнинг ижтимоий тараққиётини тезлаштириш учун қатъий курашаётган Совет Иттифоқи билан Гайананинг позицияси таъкидлаб ўтилди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ГАЙАНА КООПЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ МИНИСТРИ ЛИНДЕН ФОРБС СЭМПСОН БЕРНХЭМ

Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Гайана Кооператив Республикасининг Бош министри Форбс Бернхэм ҳукумат делегациясига бош бўлиб, расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турибди.

Ф. Бернхэм 1923 йилда туғилган. Лондон университетининг ҳуқуқ факультетини тамомлаган. Ватанига қайтиб келганидан кейин миллий озодлик ҳаракатида актив қатнашди. 1964 йилдан бошлаб Британия Гвиана-сининг, 1966 йилдан бошлаб эса Гайананинг Бош министри. Мамлакат мустақилликка эришганидан кейин Гайана номи билан аталди. Ф. Бернхэм мудофаа министри ва давлат хизмати ишлари министри лавозимларини ҳам эгаллаб турибди. У Гайана халқ миллий конгресси ҳукмрон партиясининг раҳбари.

Бу мамлакатнинг ҳукумати халқаро майдонда мустақил йўлни, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини ўтказиб келмоқда. Гайанада мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди, социал-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ажнабийларнинг бир қанча йирик компаниялари национализация қилинди, давлат сектори вужудга келтирилди ва ривожланиб бормоқда, ҳукумат комиссияси тузилди.

Совет кишилари Бош министр Ф. Бернхэмни ва у орқали дўст Гайана халқини табриклаб, унинг визити, совет раҳбарлари билан учрашувлари ва музокаралари ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда самимий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, ялпи тинчлик ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилади, деб ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ (Асосий Қонуни) ЛОЙИҲАСИ ВА УНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Конституция комиссиясининг Раиси ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари ушбу сессияси катта тарихий аҳамиятга молик вазифани бажариши — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг янги Конституциясини қабул қилиши лозим.

Юбилей йили — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинган шодиёна ва завқ-шавқли кунлар барча совет кишиларининг ҳали эсидан чиққани йўқ. СССР Олий Совети совет халқининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, унинг топшириғини бажариб, дунёда биринчи умумхалқ социалистик давлатининг Конституцияси (Асосий Қонунини) якдиллик билан тасдиқлаган унутилмас вақтдан бери орадан ярим йил ўтди.

СССР Конституцияси қабул қилинган кун Ватанимиз солномасига зарҳал саҳифа бўлиб, совет халқининг улуғ байрами бўлиб кирди. «Йиллар, ўн йиллар ўтар, лекин Октябрнинг бу куни халқ ҳокимиятининг ленинча принциплари чинакам тантана қилганлигини кўрсатувчи ёрқин далил тариқасида халқ хотирасида ҳамиша сақланиб қолади, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Конституция комиссиясининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессиясидаги якунловчи нутқида. — Бизнинг жамиятимиз коммунизм йўлидан нечоғли олға борган сари социалистик демократиянинг — халқ ҳокимиятининг, халқ манфаатларини кўзловчи ҳокимиятнинг янги Конституцияда акс эттирилган жуда катта ижодий имкониятлари шу қадар тўлиқ бўлиб очилаверади».

Ленин ғоялари ва фикрлари сингдирилган СССРнинг янги Конституцияси бутун совет халқининг манфаатларини, иродаси ва донишмандлигини ўзида ифодалади. Унинг ҳар бир бўлими, ҳар бир боби, ҳар бир моддаси, ҳар бир сатри кўп миллатли Совет давлатини, барча иттифоқдош республикаларни янада гуллатиб-яшнатиш тўғрисидаги оталарча ғамхўрликнинг, совет кишилари турмуш даражасини муттасил ошириш, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрликнинг тимсолидир.

ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ БАЙРОҒИ ОСТИДА

Ўртоқлар! Советлар мамлакатининг Асосий Қонуни Совет давлати ҳаётидаги янги тарихий маррани — ривожланган социалистик жамият қурилганлигини Конституцияда мустаҳкамлаб берди, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг кенг истиқболларини очди. Социал системанинг узвий яхлитлиги ва муттасиллиги, сиёсий стабиллиги ва мустаҳкам ички бирлиги совет жамияти, унинг қудрати ва равнақи асосидир. Мамлакатда барча синфлар ва социал группаларнинг, ҳамма миллат ва элатларнинг мустаҳкам қардошларча иттифоқи қарор топди. Кишиларнинг янги социал ва интернационал бирлиги — совет халқи вужудга келди.

СССР Конституцияси жаҳон социализми тажрибасининг хазинасини бойитади, унинг жаҳон майдонидаги ғоявий-сиёсий позицияларини мустаҳкамлайди, капиталистик мамлакатлар меҳнаткашларининг озодлик, демократия, социал тараққиёт учун, бутун дунёда тинчлик учун курашида қудратли омил бўлиб хизмат қилади. У ўзининг ҳар бир қоидаси билан Октябрь эълон қилган ғоялар, Ленин васиятлари муваффақиятли амалга оширилаётганлигини яққол тасдиқлаб турибди.

1936 йилги Конституция қабул қилинган даврдан бери давлатимиз ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларида катта принципиал ўзгаришлар рўй берди. Мамлакат экономикаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Яхлит, қудратли халқ хўжалиги организми вужудга келиб, муваффақиятли ишламоқда, фан-техника революциясини социализм афзалликлари билан бирга қўшиш асосида ривожланмоқда.

Совет Иттифоқи халқларининг тенглиги, қардошлиги, бузилмас бирлиги социализмнинг буюк ғалабаси, интернационализмнинг сўнмас ленинча ғоялари тантанаси бўлди. Миллатлар ўзаро яқинлашувининг кучайиб бораётган жараёни ҳозир жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларига сингиб кетмоқда. Пролетариат диктатураси сифатида вужудга келган давлатимиз етук социализм қурилгач, аҳолининг барча қатламлари ишчилар синфининг ғоявий-сиёсий позициясига ўтгач, ўсиб умумхалқ давлатига айланди.

Совет Иттифоқининг халқаро мавқеи ва дунёнинг бутун социал-сиёсий қиёфаси тубдан ўзгарди. СССРнинг капиталистик қуршовда эканлигига барҳам берилди. Социализм жаҳон системасига айланди, қудратли социалистик ҳамдўстлик ташкил топди, империализмнинг мустамлакачилик системаси тугатилди, жаҳон капитализмининг позициялари анча заифлашди.

Мамлакатимизда юксак маънавий-сиёсий фазилатларга эга бўлган янги инсон ўсиб вояга етганлигини СССР Конституцияси яна бир карра яққол кўрсатди. У мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳамма ишлар, барча ўзгартишлар аввало ҳар бир гражданга чинакам инсоний турмуш шароитларини таъминлаб беришга қаратилган. Ҳақиқий эркинликлар, инсон ҳуқуқлари, демократия ва социал адолат социализм шароитидагина бўлиши мумкинлигини Асосий Қонун бутун дунёга яққол намойиш қилди.

Ҳали ҳеч қачон мамлакатимиз ҳозиргидек жуда катта иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалга эга бўлмаган эди. Унинг мудофаа қобилияти ҳали ҳеч қачон ҳозиргидек шу қадар мустаҳкам, шу қадар пишиқ-пухта бўлмаган эди.

Совет кишиларининг хўжалик ва маданий қурилишдаги ҳамма муваффақиятлари, совет халқини комил ишонч билан инсон бахт-саодатининг нурафшон чўққилари сари — коммунизм сари Ленин йўлидан бошлаб бораётган партиямиз ва унинг Марказий Комитети оқилона раҳбарлигининг, саботли ва собитқадам фаолиятининг натижасидир.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам СССРнинг янги Конституциясини сидқидилдан, завқ-шавқ билан кутиб олдилар. Улар жонажон партиянинг оқилона ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакатимиз иқтисодий ҳамда мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини муттасил оширишга, ер юзида ялпи тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган кўп қиррали фаолиятини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

КОММУНИЗМ БУНЁДКОРЛАРИНИНГ ЯГОНА ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Ўртоқлар! СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан унинг асосида иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституцияларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди.

Республика Конституциясини янги ижтимоий шарт-шароитлар ва эҳтиёжлар билан, СССРнинг янги Конституцияси билан мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Асосий Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Конституция комиссиясини тузди.

Комиссия ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг намояндалари, олимлар, мутахассислар, партия, давлат органларининг ва жамоат ташкилотларининг ходимлари актив қатнашдилар. Лойиҳани тайёрлаш давомида ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилик қилган Конституция комиссиясининг иш тажрибасидан ҳар томонлама фойдаланилди.

Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг комиссия томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди ва бугун республика Олий Советининг тасдиғига ҳавола этилмоқда. Ўзбекистон ССР Конституциясининг лойиҳаси СССР Конституциясига тўла мувофиқ равишда, маркс-ленинча таълимот, КПСС ҳужжатлари, партия XXV съездининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқларида баён этилган кўрсатмалар ҳамда хулосалар асосида ишлаб чиқилган.

Шуни таъкидлаш керакки, лойиҳада мамлакатимиздаги Конституция тузиш тажрибаси республиканинг хусусиятларини ҳисобга олиб умумлаштирилган. Шунингдек у кейинги йилларда иттифоқ ва республика қонунларини янгилаш ҳамда такомиллаштириш соҳасида ўтказилган ишга ҳам таянади. Шу билан бирга лойиҳада Туркистон Республикаси ва Ўзбекистон ССРнинг ўлкамиз экономикаси, фани ва маданиятини йўлга қўйиш ва тараққий қилдиришда, социалистик демократияни вужудга келтириш ва ривожлантиришда ўз ролини ўйнаган аввалги Конституциялари ғоялари ва принципларининг давомийлиги ўзининг чуқур ифодасини топган.

Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг орадан кўп ўтмай Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари ҳам ўз Конституцияларини ишлаб чиқиб тасдиқладилар. Уларда Туркистон, Хоразм ва Бухоро халқларининг тақдири Совет Россияси меҳнаткаш халқининг тақдири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўрта Осиёдаги совет республикаларида миллий-давлат чегараланиши ўтказилгандан кейин 1924 йилда Ўзбекистон ССР ташкил этилди. Республика Советларининг 1927 йил мартида бўлиб ўтган иккинчи съездиёқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг биринчи Конституциясини қабул қилди. В. И. Ленин ёзган «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси» унга асос қилиб олинди. Бу Конституция Ўзбекистон ССР дунёга келганлигини ва унинг бошқа Совет республикалари билан ягона кўп миллатли давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи составига ихтиёрий равишда бирлашганлигини қонун тарзида расмийлаштирди.

1937 йил Конституцияси республикада эксплуататор синфлар тугатилганлигини ифодалади, социализм ғалабасини мустаҳкамлади, ҳокимият ва бошқарув органларининг бутун системасини шунга мувофиқ ҳолга келтирди. Унда давлат тузилиши ва гражданлар ҳуқуқларининг СССР Конституциясида мустаҳкамлаб берилган ҳамма қоидалари ва принциплари акс эттирилди. Республика Конституцияси Ўзбекистонда совет социалистик демократиясини ривожлантиришда олға томон катта қадам қўйилганлигини билдирди.

Ҳозир амал қилиб турган Конституция қабул этилгандан бери орадан 40 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу йиллар мобайнида бутун мамлакат каби Ўзбекистон ССРда ҳам рўй берган жуда катта ўзгаришлар социал-сиёсий, иқтисодий ва маданий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олди. Совет халқларининг қардошлик оиласидаги республикамиз доно ленинча миллий сиёсат амалга оширилганлиги туфайли социал-иқтисодий ва маънавий тараққиёт чўққилари сари баҳодирона сакраш қилди. Бугунги Ўзбекистон — гуллаб-яшнаб турган социалистик республикадир, қудратли, кўп тармоқли индустрия, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалиги, илғор илм-фан ва ўзига хос ёрқин маданият ўлкасидир, меҳнаткашлар эркин ва бахтиёр ҳаёт кечираётган диёрдир.

Юздан ортиқ тармоқни ўз ичига олган саноат гуркираб ривож топди. Энергетика, химия, нефть, кўмир, газ, конруда, металлургия, олтин чиқариш, электр техника, самолётсозлик, электрон саноати, кўп тармоқли машинасозлик — Ўзбекистон индустриясининг ифтихоридир. Ҳозир республиканинг 1500 корхонаси 19 кунда ишлаб чиқарган саноат маҳсулоти бутун 1937 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига тенг келади. Ўзбекистон саноатининг маҳсулоти дунёнинг 70 мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Республикамизда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1937 йилга нисбатан 19 баравар кўпайди. Фан-техника тараққиётининг ривожини белгилаб берувчи асосий индустрия тармоқларида айниқса катта ўзгаришлар содир бўлди. Чунончи, химия саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 364 баравар, ёқилғи саноатида 77 баравар, электр энергетикада 205 баравар, машинасозлик ва металл ишлашда 234 баравар, бинокорлик материаллари саноатида — 89 баравар кўпайди.

Республикада ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан-техника ютуқларини жорий этиш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, бошқарувни такомиллаштириш асосида замонавий саноат ишлаб чиқаришнинг катта комплекси барпо этилди, корхоналар ва бирлашмаларнинг техникавий даражаси оширилди.

Мана, бир неча характерли мисол. Кабель заводи маркаси қўйилган маҳсулот Совет Иттифоқидаги 10 минг адресга ҳамда Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 32 мамлакатига жўнатилмоқда.

«Ташсельмаш» заводи мамлакатда пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқарадиган бирдан-бир корхона ҳисобланади. Корхона тўққизинчи беш йиллик ва ўнинчи беш йилликнинг икки йили давомида салкам 52 мингта пахта териш агрегати ишлаб чиқарди, бу машиналар мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам шуҳрат қозонди.

Ҳозир завод цехларида кучли мотор ўрнатилган тўрт қаторли энг янги машиналар, икки ярусли терим агрегатлари, тўкилган пахтани териб оладиган пневматик механизм ўрнатилган машиналарни кўплаб ишлаб чиқаришга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси йил сайин ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмоқда, маҳсулот сифатини яхшиламоқда. Жамики янги, илғор усулларни жорий этиш, корхонани реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш соҳасида пухта ўйлаб қилинган иш натижасида бирлашма беш йилликнинг икки йилида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 40 процентдан зиёд кўпайтирди.

Республика бутун халқ хўжалигини ривожлантиришнинг моддий асоси бўлмиш капитал қурилиш ғоят кенг кўлам касб этди. Давлат ва кооператив ташкилотлари сарфлаган капитал маблағ ҳажми ўтган 40 йил мобайнида 54 баравардан ортиқ кўпайди. Шу йилларда электр энергетика, рангли металлургия, машинасозлик, химия, цемент саноатининг, бинокорлик материаллари саноати, енгил саноат, пахта тозалаш, гўшт-сут ва озиқ-овқат саноатининг 900 дан кўпроқ йирик корхонаси ишга туширилди.

Ўнинчи беш йилликнинг икки йили ичида капитал қурилиш соҳасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Республика халқ хўжалигини ривожлантиришга шу вақт ичида 9.5 миллиард сўм сарфланди.

Юбилей йилининг ўзида Сирдарё ГРЭСида ҳар бири 300 минг киловатт қувватли иккита энергетика блоки, Чорвоқ гидроузели, Фарғона ТЭЦида кучли энергетика блоки фойдаланиш учун топширилди. Навоий цемент заводи ва Хива гилам комбинатининг дастлабки навбатлари, Бухоро ип газлама комбинатида янги корпус ишга туширилди, Қувасой чинни заводи ва Урганчдаги жуда катта ёғ-экстракция заводи, бир қанча пахта тозалаш ва сут заводлари қуриб битказилди. Тошкент метрополитени республика меҳнаткашларининг ифтихори бўлиб қолди.

Ҳозир амалда бўлган Конституция қабул қилингандан кейинги йиллар мобайнида Республикада индустриянинг янгидан-янги азим корхоналаридан ташқари катта-катта саноат ва маданият марказлари бўлиб қолган бутун-бутун шаҳарлар ҳам қад кўтарди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 89 шаҳар бўлса, шундан 68 таси сўнгги 40 йил мобайнида харитага киритилди. Олмалиқ ва Ангрен, Бекобод ва Гулистон, Зарафшон ва Навоий, Янгиер ва Ширин, Тахиатош ва Янгиобод шулар жумласига киради. Кўҳна шаҳарларимиз ёшартирилди, ҳусн жамоли очилиб, кўркамлашди, ўз чегараларини кенгайтирди, кўп қаватли иморатлар кўкка бўй чўзди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам капитал қурилиш мислсиз миқёсларда олиб борилмоқда. Партия ишлаб чиққан мелиорация ва ирригация комплекс программасининг изчиллик билан амалга оширилиши ўлканинг бой табиий имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг интенсивлигига эришиш имконини берди.

Энг асосий проблема — суғориш проблемасини, пахта проблемасини В. И. Ленин Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятининг биринчи навбатдаги вазифаларидан бири қилиб қўйганлигини эсга олайлик. Октябрь революциясининг йўлбошчиси суғориш «ўлкани ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди», деб доҳиёна башорат қилган эди.

Ильичнинг бу башорати тўла-тўкис рўёбга чиқди. Партия иродаси билан айниқса КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумидан кейин ерларни мелиорациялаш ва ирригациялашнинг катта программаси амалга оширилди. Бу программа Ватанимиз пахтачилигининг базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни, қишлоқ хўжалиги барча тармоқларини узлуксиз юксалтиришни таъминлади.

Қишлоқ хўжалигимизнинг келажаги мелиорацияни кенг миқёсда ривожлантиришга боғлиқ. Мирзачўлда, Жиззах, Қарши, Сурхон-Шеробод даштларида, Фарғона водийсида, Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг қўриқ массивларида рўй берган ва рўй бераётган, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, афсонавий ўзгаришлар бунинг яққол далили бўла олади.

Бу ўзгаришлар совет кишиларининг илҳомбахш, чинакам қаҳрамонона меҳнати туфайли содир бўлганлиги эсимизда. Тилларда достон бўлган Катта Фарғона канали, республика тарихига шонли саҳифа бўлиб кирган бошқа халқ қурилишлари эсимизда. Асрлар бўйи одамлар оёғи етмаган қақроқ Мирзачўл эсимизда. Ҳозир шу ерда замонавий шаҳарлар, шинам посёлкалар, кўркам совхозлар барпо этилган. Собиқ Мирзачўл энди социалистик навбаҳорнинг тимсоли бўлиб қолди. Насос ёрдамида суғориш, тик ва ёпиқ ётиқ дренаж ҳамда ирригация қурилиши ва замонавий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш соҳасидаги фан-техника тараққиётининг бошқа ютуқлари жорий этилиб келган ва жорий этилаётган ҳақиқий лабораторияга айланди. Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш тажрибаси ҳозир мамлакатимиздагина кенг жорий этилиб қолмасдан, чет давлатларда ҳам шу тажрибадан фойдаланилмоқда. Ҳозир Мирзачўл мамлакатга пахта ва дон, пилла ва мева-сабзавот, гўшт ва сут етказиб бермоқда.

Сув хўжалиги қурилишимизнинг чинакам жадал суръатлари ана шундай. Айни шу суръатлар урушдан кейинги йилларнинг ўзида салкам бир ярим миллион гектар янги суғориладиган ер очиб, уни экинзорга айлантириш, бу ерларни гуллаб-яшнаб турган воҳаларга айлантириш имконини берди. Ҳозир республикадаги 14 та йирик сув омборига бир неча миллиард куб метр сув сиғади. Бизда ишлаб турган 900 дан ортиқ суғориш системасида 93 мингта гидротехника иншооти қурилган. Ана шуларнинг ҳаммаси давлатнинг катта ёрдами туфайли, халқнинг фидокорона меҳнати билан, замонавий техника асосида барпо этилган.

Биз транспорт ва алоқа ходимларининг муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳозир минг-минг километрлаб темир йўл магистралларимиз ва автомобиль йўлларимиз бор. Мамлакатнинг ҳамма томонларига ва кўпгина чет эл давлатларига бориладиган ҳаво трассалари мавжуд.

Совет жамиятининг етакчи кучи — республика ишчилар синфи ўсганлиги социализмнинг буюк ғалабаси бўлиб, у бизнинг ҳаққоний ифтихоримиз ва шарафимиздир. Ишчи меҳнатининг характери ўзгарди. Унинг умумий таълими, техникавий ва сиёсий савияси беқиёс ошди, ижтимоий активлиги, давлат ишларини бошқаришдаги иштироки кучайди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам катта-катта социал-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Деҳқонларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари тубдан ўзгарди, уларнинг психологияси социализм негизида шаклланди. Ленин планига мувофиқ қишлоқ хўжалиги коллективлаштирилганлиги, қишлоқлар ва овуллар социалистик негизда қайта қурилганлиги бунда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг пухта моддий техника базаси яратилганлиги, унинг фондлари ва машина-механизмлар билан таъминланиши ошганлиги колхоз тузумини мустаҳкамлашнинг ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг энг муҳим асоси бўлди. Комплекс механизация ривожлантирилиши билан бирга ерларни химиялаш юксак суръатлар билан амалга оширилди. Ҳозирги вақтда хўжаликлараро кооперация ва агро-саноат интеграцияси, қишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш асосида деҳқончилик ишларини ихтисослаштириш ва концентрациялаш кенг жабҳа бўйлаб жорий этилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин айниқса катта силжишлар содир бўлди, шу Пленумда партия қишлоқ хўжалигини муттасил юксалтириш йўлини тутди. Марказий Комитет Пленумидан кейинги йилларда партия аграр сиёсатининг буюк ҳаётий кучи кўп марталаб исботланди. Бу сиёсатнинг ҳамма соҳаларида ажойиб натижаларга эришилди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш мунтазам равишда кўпаймоқда, меҳнат унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ошмоқда. Қишлоқ меҳнатчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва уларнинг социал таъминоти яхшиланмоқда, колхоз ва совхозларнинг иқтисодий аҳволи мустаҳкамланмоқда.

1937 йилда республика колхоз ва совхозлари бир миллион 520 минг тонна пахта етиштирган бўлса, ўтган юбилей йилида улар совет пахтачилигининг бутун тарихида энг мўл ҳосил олиб, Ватанга рекорд миқдорда — 5 миллион 676 минг тонна, ёки 40 йил аввалгидан деярли тўрт баравар кўп пахта берди.

Пахта ҳосилдорлиги муттасил ошмоқда. Бултур республикада ҳосилдорлик гектар бошига ўрта ҳисобда 31.6 центнерга етиб, 1937 йилга нисбатан икки баравар кўп бўлди. Буни дунёдаги энг юқори кўрсаткичларнинг бири деса бўлади.

Пахта етиштиришни кўпайтиришни, шу қимматбаҳо хом ашё билан мамлакатни тобора кўпроқ миқдорда таъминлашни республика деҳқонлари, барча меҳнаткашлари ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчлари деб, ўзларининг бош вазифалари деб, хўжалик қурилишидаги асосий йўл деб билмоқдалар.

Аммо бизнинг пахтадан бошқа ҳам фахрланадиган нарсаларимиз бор. Республикамизда дон ва каноп, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, картошка ва тамаки етиштирилмоқда. Ўлкамизнинг боғ ва токзорлари шуҳрат таратган. Биз парранда ва балиқ, пилла қурти ва асалари боқяпмиз. Ана шу тармоқларнинг ҳаммаси Совет ҳокимияти йилларида юксак даражада ривож топди. 1937 йилга нисбатан республикада ялпи дон ҳосили 2.8 баравар, шу жумладан шоли ҳосили 4,6 баравар кўпайди. Шу йилларда ҳамма турдаги чорва ва парранда анча кўпайди, чорвачиликнинг маҳсулдорлиги ошди. Республикада саноат асосида кўпгина паррандачилик фабрикалари, чорвачилик комплекслари қурилди.

Қишлоқ хўжалик ишларини механизациялашда катта ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, бундан 40 йил муқаддам республикада етиштирилган пахтанинг ҳаммаси қўлда терилган бўлса, бултурги ҳосилнинг 60 процентини машинада териб олинди. Биз қўлда пахта теришга мутлақо йўл қўймай, ҳосилнинг ҳаммасини машинада териб оладиган вақт яқин қолди, деб ишонч билан айта оламиз.

Конструкторларимиз олимлар, саноат ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари билан ҳамкорликда пахтачилик ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари учун замонавий техниканинг кўпгина намуналарини яратдилар. Республикада қад кўтарган қишлоқ хўжалик машинасозлигининг биринчи даражали корхоналари қишлоқ учун керакли хилма-хил машина-механизмларни кўплаб ишлаб чиқаришни таъминлади. Қардош республикалар ҳам ана шундай машина-механизмларни кўпроқ етказиб бера бошладилар. Ҳозир 936 колхоз ва 664 совхозда 152 мингта, яъни 1937 йилгидан 7 баравардан зиёд трактор бор. Бунинг ёнига 31 мингта пахта териш машинаси, 15 мингта ғалла, маккажўхори ва силос йиғиш комбайни, юз минглаб бошқа машина-механизмлар қўшилса, — қишлоқ хўжалигимиз техника тараққиёти йўлидан нақадар олға силжиганлиги равшан бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тобора кўпроқ индустриал тус олмоқда, деҳқоннинг меҳнати эса ишчи меҳнати билан яқинлашмоқда. Ҳозир Ўзбекистондаги қишлоқ меҳнаткашларининг бешдан бири механизатордир. Колхоз ва совхозларда тракторчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг катта армияси, ўн минглаб олий малакали мутахассислар ишлаб турибди.

Партия аграр сиёсати муваффақиятли амалга оширилганлигининг, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида қилинган жуда катта ишларнинг натижаси сифатида экономиканинг ана шу ҳаётий муҳим тармоғида ялпи маҳсулот 1940 йилдагига нисбатан республикада 4 баравар кўпайди.

Совет Ўзбекистонининг экономикаси ҳозир амалда бўлган Конституция қабул этилгандан кейинги йилларда ана шундай жўшқин суръатлар билан ривожланди, ана шундай гуркираб, зўр зафарлар қучиб, қудратли одим ташлади!

Ўртоқлар! Мамлакатимизда инсоннинг жамиятдаги мавқеи қайси ирқ ёки миллатга мансублиги билан эмас, мол-мулкининг кўплиги билан эмас, балки меҳнатга, ўз вазифаларига муносабати билан, халққа, ўз социалистик Ватанига, социализм манфаатларига садоқати билан белгиланади. Совет Конституцияси гражданларнинг билим олиш ҳуқуқини гарантиялайди, кўнглига ёққан касбни бемалол танлаб олишни, ижодий меҳнат қилиш, актив ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт кечириш ҳуқуқини таъминлайди.

Ҳозир маданий революциянинг ўлкамизга инъом этган ажойиб ва кўпдан-кўп самаралари айниқса яққол кўриниб турибди. Саводсизликни тугатиш, чинакам халқ маориф системасини вужудга келтириш йўлидаги кураш, социалистик адабиёт ва санъат юзага келганлиги социалистик маданиятни барпо этишнинг энг муҳим йўналишлари бўлди.

Ҳозир республикада 5 миллион 450 минг киши ёки 1937 йилга нисбатан 5,5 баравар ортиқ киши таълимнинг барча турларига жалб этилган. Революцияга қадар ўлкамизда биронта олий ўқув юрти бўлмаган эди, ҳозир 43 та университет ва институт, 200 та ўрта махсус ўқув юрти бор. Улардаги студентлар ва ўқувчилар 470 минг кишига етай деб қолди.

Илм-фан тез суръатлар билан ривожланди. Илмий кадрлар йил сайин ўсиб, кўпайди, илмий-тадқиқот институтлари тармоғи кенгайди. Республикада Фанлар академияси самарали ишлаб турибди. Илмий муассасаларимиз кенг миқёсда фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқда. Илмий-педагог ходимлар эса 32 минг кишидан ошиб кетди. Бу ғоят маънодор рақамлар республикамизда илм-фаннинг барқ уриб ривожланганлигидан далолат беради. Илмий фаолиятда жуда хилма-хил ўзгаришлар рўй берди. Олимларимизнинг Ватанимиз фани ва практикасини ривожлантиришга, коммунистик қурилишга доимо кўпроқ ҳисса қўшаётганлиги шу ўзгаришларнинг энг муҳимларидан биридир.

Одамларимиз беқиёс ўзгарди. 1941 йилга нисбатан Ўзбекистон халқ хўжалигида ишлаб турган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар деярли 17 баравар, шу жумладан, олий маълумотли мутахассислар сал кам 23 баравар кўпайди. Ҳозир республикада 917 минг юқори малакали мутахассис ишлаб турибди. Янгиликни яхши ҳис этувчи билимдон ходимларнинг ана шу катта армияси хўжалик ва маданий қурилишнинг энг мураккаб масалаларини ҳал этишга қодирдир.

Ўзбек халқининг ўзига хос маданияти янада сайқал топиб, ўзининг бутун ҳусн-жамолини кўз-кўз қилиб, гуллаб-яшнади, олижаноб коммунистик ғоялардан баҳра олди. Ўзбекистонда шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиёт ва санъатнинг, бадиий ижодкорлик янги формалари ва жанрларининг вужудга келганлиги маданият соҳасидаги ўзгаришларнинг ажойиб натижаси бўлди.

Бадиий зиёлиларимиз ҳамиша ўз кўп миллатли Ватанига садоқат билан хизмат қилиб келдилар ва хизмат қилмоқдалар. Улар янги турмуш қурилишига, социалистик ва коммунистик идеалларни қарор топтиришга чинакам халқчил, чинакам партиявий, чинакам мароқли асарлари билан салмоқли ҳисса қўшдилар. Ватанимиз ва жаҳон маданияти дурдоналаридан халқнинг баҳра олиши учун кўпдан-кўп кутубхоналар, театрлар, музейлар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, концерт заллари, кинотеатрлар хизмат қилиб турибди. Ҳар минг кишига тўғри келадиган маданият муассасаларининг миқдори жиҳатидан Ўзбекистон кўпгина ривожланган капиталистик мамлакатларни анча орқада қолдириб кетди.

Маданий революция давомида миллатлараро алоқа воситаси бўлмиш улуғ рус тили бениҳоя муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда. Бу тилни ўрганиш ва уни оммага тарқатиш туфайли миллион-миллион меҳнаткашлар СССРдаги барча халқларнинг миллий ва маданий ютуқлари билан, жаҳон фани ва маданияти билан таниша олдилар.

Совет кишиларида илмий дунёқараш ва коммунистик ахлоқни шакллантиришда совет матбуоти, телевидениеси ва радиоси катта роль ўйнайди. Партия матбуотнинг таъсири, роли ва обрў-эътибори доимо ўсиб бориши тўғрисида ленинча ғамхўрлик қилмоқда. Совет кишиси дунёда энг китобхон инсондир. 40 йил ичида республикадаги газеталарнинг бир галги тиражи 5 баравар, журналларнинг тиражи эса 87 баравар кўпайди. 1977 йилда республикамизда 35,5 миллион нусха, шу жумладан ўзбек тилида 25,4 миллион нусха китоб нашр этилди.

Ленин партияси раҳбарлигида хотин-қизлар озодликка чиқарилганлиги, улар актив ишлаб чиқариш, жамоат ва маданий ҳаётга жалб этилганлиги Ўзбекистонда социалистик тузум ғалабаларининг энг яққол намуналаридан бири бўлди. Ҳозир Ўзбекистонда халқ хўжалигида ишлаб турган ҳамма ходимларнинг 43 процентидан кўпроғи хотин-қизлардир.

Одамлар ҳаётининг ҳамма соҳаларида катта ўзгаришлар рўй берди. Аҳолига медицина, маиший ва савдо хизмати кўрсатиш кенг миқёсда ривожланди.

Экономика, фан ва маданият ривожланган сайин республиканинг миллий даромади ҳам муттасил кўпаймоқда. 1960 йилга нисбатан миллий даромад 3 баравардан зиёд кўпайди. Ана шуларнинг ҳаммаси халқнинг моддий фаровонлик даражасида катта силжишлар бўлишига, одамлар ҳаёти ва турмушининг бутун укладини ўзгартиришга олиб келди.

Совет ҳокимияти йилларида, айниқса сўнгги ўн йилликларда республикамиз меҳнаткашларининг уй-жой, маиший шароитлари тубдан ўзгарди. Бизда уй-жой проблемаси нақадар мислсиз кўламда ҳал этилаётганлигини қуйидаги фактлар кўрсатади. Республикадаги шаҳарларнинг уй-жой фонди 1940 йилга нисбатан 6,5 баравар кўпайди. Тўққизинчи беш йилликда ва ўнинчи беш йилликнинг икки йилида Ўзбекистон меҳнаткашлари 35 миллион квадрат метрдан зиёд шинам уй-жой олдилар. Бунинг маъноси шуки, сал кам 4 миллион киши қувона-қувона янги уйларга кўчиб чиқди.

Республикада илғор техника билан таъминланган уй-жой коммунал хўжалиги деярли янгидан вужудга келтирилди. Шаҳарларимизда асосан кўп қаватли, кўп квартирали уйлар, барча коммунал-маиший хизмат муассасалари муҳайё бўлган кўркам кварталлар ва микрорайонлар қад кўтармоқда. Урушдан аввалги йилларда бундай қулайликлар уй-жойларнинг жуда оз қисмида бор эди, газ ва иссиқ сув эса мутлақо йўқ эди. Энг муҳими шуки, биз уй-жой биноларини магазинлар, ошхоналар, маиший хизмат корхоналари, болалар боғча ва яслилари, мактаблар, кинотеатрлар ҳамда одамлар турмуши учун энг яхши шароитларни таъминлаб берадиган бошқа социал-маиший объектлар билан бир комплекс тарзда қуряпмиз.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ (Асосий Қонуни) ЛОЙИҲАСИ ВА УНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши иккинчи бетда).

Уй-жой қурилиши муваффақиятли ривожланаётганлиги тўғрисида гапирганда, бизнинг республикамиз аҳолисининг кўплиги жиҳатидан мамлакатда учинчи ўринга чиққанлигини таъкидлаш керак. Ҳозир Ўзбекистон аҳолиси 15 миллион кишига етди ёки 1939 йилга нисбатан 2,4 баравар кўпайди. Шу билан бирга 1939 йилда шаҳар аҳолисининг салмоғи 23 процент бўлса, ҳозир салкам 40 процентдир. Аввало саноатимиз юксак суръатлар билан ривожланганлиги шаҳар аҳолиси салмоғининг ана шундай анча кўп ўсишини таъминлади.

Бутун совет халқи каби республика меҳнаткашларининг ҳаёти ҳам Ленин партиясининг ошиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларни жуда тўла-тўкис қондиришга, совет кишиларини, уларнинг ижодий кучлари ва қобилиятларини уйғун равишда ривожлантиришга қаратилган йўли амалда қандай рўёбга чиқарилаётганлигининг яққол исботидир. Совет Конституцияси меҳнаткашларнинг социал таъминот, текин даволаниш ва билим олиш ҳуқуқини гарантиялайди.

Бизнинг мамлакатимизда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи доимо кўпаймоқда, пенсия таъминоти яхшиланмоқда, она ва боланинг сиҳат саломатлиги тўғрисида давлат ғамхўрлик қилмоқда. Кўпдан-кўп санаторийлар, профилакторийлар ва бошқа соғломлаштириш муассасалари меҳнаткашлар хизматида. Моддий ва маънавий тараққиёт шаҳар ва қишлоқдаги иш ва ҳаёт шароитларини, жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнатни анча яқинлаштиришга олиб келди.

Коммунизмнинг актив бунёдкори совет кишисининг вояга етганлигини биз ҳақли равишда социализмнинг энг катта ғалабалари қаторига қўшамиз. Бизнинг мамлакатимизда янги инсон, меҳнаткаш инсон, бунёдкор инсон, ўз мамлакатининг оташин ватанпарвари, изчил интернационалист камол топди. Улуғвор коммунистик идеаллар, кенг билимдонлик, олижаноб коллективчилик, ўртоқлик ва қардошлик туйғулари, ижтимоий бурчга садоқат унинг ўзига хос хусусиятларидир. Марксча-ленинча дунёқараш одамларимиз маънавий ҳаётининг негизи, янги дунё учун курашда уларнинг ғоявий қуроли бўлиб қолди.

Умуман мамлакат билан бирга республикамиз босиб ўтган йўл ҳали ҳеч қачон тарихда жамиятнинг бутун ҳаёти социалистик қурилиш йилларида бўлганидек шу қадар тубдан ва ҳар томонлама янгиланмаган эди, деб дадил айтиш имконини беради. Ўзбек халқининг ноёб ютуқлари ва буюк зафарлари В. И. Лениннинг ғалаба қозонган социализм «инсоният жамиятининг янги, олий формаларини ижод этади, ўшанда **ҳар қандай** миллат меҳнаткаш оммасининг ҳаққоний эҳтиёжлари ва илғор муддаолари биринчи бор интернационал бирликда таъминланадиган бўлади», деган доҳиёна сўзларининг яққол тасдиғидир.

Бизнинг ютуқларимиз — совет жамияти ривожининг қонуний якунидир, социализм, совет турмуш тарзининг, жамоат ва давлат тузумимизнинг капитализмдан шак-шубҳасиз афзалликлари натижасидир. Бу — бутун совет халқининг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонини ўзида мужассамлаштирган ўз программасидаги: «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» шиорини изчиллик билан амалга ошираётган Ленин партияси доно раҳбарлигининг самараларидир.

Бизнинг ютуқларимиз — улуғ рус халқи бошчилигида ягона ва қудратли Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига жипслашган мамлакатимиз барча халқлари дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигининг натижасидир. Халқларнинг ленинча дўстлиги, пролетар интернационализми совет кишиларининг бутун вужудига ва қонига сингиб кетган, улар маънавий қиёфаси ва турмуш тарзининг ажралмас белгиси бўлиб қолган.

СССР халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги — ғалабаларимизнинг, социалистик ижтимоий тузумимиз қудрати ва мустаҳкамлигининг битмас-туганмас манбаидир. Улуғ Октябрь туфайли юзага келган, энг яхши ўғил ва қизларимизнинг гражданлар уруши ҳамда Улуғ Ватан уруши йилларида беҳисоб тўкилган қони билан мустаҳкамланган бу дўстлик совет тузуми пишиқ-пухталигини, кўп миллатли социалистик давлатимиз қудратини, халқларимизни бирлаштириб турган қардошлик ришталарининг узилмаслигини бутун дунёга кўрсатди.

Халқларимиз ленинча дўстлигининг қудратли кучи жанг майдонларидагина яққол намоён бўлиб қолмади, бу куч коммунизм қурилишининг зўр тезлатгичи бўлиб хизмат қилиб келди ва хизмат қилмоқда. Бу дўстлик — бизнинг бебаҳо бойлигимиз, ифтихоримиз, қудратимиз ва ишонган қуролимиздир.

СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТЧИЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ўртоқлар! Республика меҳнаткашларининг бутун ҳаёти, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги, моддий фаровонликни яхшилашдаги улуғвор муваффақиятлар СССР халқларининг аҳил оиласида ўзбек халқи социалистик ва коммунистик қурилишда нақадар мислсиз чўққиларга кўтарилганлигини, озод совет кишиси қандай мўъжизалар яратишга қодир эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Республика меҳнаткашларининг меҳнатдаги бутун ғайрат-шижоати ва сиёсий активлигига улуғ Ленин партиясининг содиқ ва жанговар отрядларидан бири — Ўзбекистон Компартияси бошчилик қилди. У ташкилий жиҳатдан мислсиз мустаҳкамланди, сон жиҳатидан ўсди, ташкилий ва сиёсий иш соҳасида бой тажриба орттирди. Ҳозир коммунистларнинг бутун кучи, ғайрати ва иродаси КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли бажаришга қаратилган.

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам эришилган ютуқларга таяниб, Ленин партияси раҳбарлигида энди янада мураккаб вазифаларни ҳал этмоқдалар: коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтирмоқдалар, социалистик ижтимоий муносабатларни аста-секин коммунистик ижтимоий муносабатларга айлантириб бормоқдалар, одамларни юксак коммунистик онглилик руҳида тарбияламоқдалар, ўзларининг моддий ва маданий турмуш даражасини оширмоқдалар. Бутун мамлакат олдида ҳам, шунингдек республика олдида ҳам ҳар томонлама юксалиш ва равнақ топишнинг янги, улуғвор истиқболлари очилмоқда.

Кўриб турибсизларки, ўртоқлар, ўтган қирқ йил ичида ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ривожланишимизнинг ана шу сифат жиҳатидан янги босқичи Конституция билан мустаҳкамлаб берилиши лозимлиги табиийдир. Бинобарин, ана шу босқич Ўзбекистон ССР Конституциясининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида, республика Олий Совети Президиумида кўриб чиқилган ҳамда улар томонидан асосан маъқулланган лойиҳасида ўзининг ҳар томонлама ифодасини топган.

Бутун Конституция лойиҳасининг мазмунини баён этишга ҳожат бўлмаса керак. Бу лойиҳа матбуотда эълон қилинган, куни кеча унинг умумхалқ муҳокамаси ниҳоясига етди. Шу сабабли энг асосий аҳамиятга эга бўлган баъзи бир қоидаларгагина тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Янги Конституция лойиҳасида СССР Конституциясида акс эттирилган ва барча қардош иттифоқдош республикалар учун муштарак аҳамиятга эга бўлган барча асосий қоидалар такрорланган. Шу билан бирга лойиҳада республиканинг тарихан таркиб топган хусусиятлари ҳамда унинг кўп миллатли Совет давлати составида босиб ўтган шонли йўли ҳисобга олинган. Мамлакатимиздаги бутун конституцион тузилишнинг бирлиги ва давомийлиги ана шунда конкрет намоён бўлган.

Ўзбекистон ССР Конституциясининг бутун лойиҳаси — унинг биринчи сатридан сўнгги сатригача улуғ Ленин ҳаётбахш ғоялари руҳи билан, социалистик давлатчилик ва демократия принциплари билан суғорилган.

Аввало лойиҳада Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси республика ишчилари, деҳқонлари ва зиёлиларининг, барча миллатлари ва элатлари меҳнаткашларининг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ифодаловчи социалистик умумхалқ давлати эканлиги таъкидланган. Ўзбекистон ССРдаги бутун ҳокимият халқники эканлиги, халқ давлат ҳокимиятини Ўзбекистон ССРнинг сиёсий негизини ташкил этган халқ депутатлари Советлари орқали амалга ошириши қайд этилган. Социалистик демократиянинг энг муҳим принципи: давлат ва жамоат ишларини бошқаришда омманинг доимий ва тобора кенг ялпи иштирок этиши принципи айнан Советлар орқали рўёбга чиқарилади.

Иттифоқ Конституциясида бўлгани каби лойиҳада ҳам КПССнинг раҳбарлик ва раҳнамолик роли батафсил таърифлаб берилган. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси совет жамиятининг, унинг сиёсий системасининг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаги эканлиги уқтирилган. КПСС халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади.

Марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган Коммунистик партия жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболини, СССРнинг ички ва ташқи сиёсат йўлини белгилаб беради, совет халқининг буюк бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг коммунизм ғалабаси йўлидаги курашини планли, илмий асосда олиб боради.

Ватанимизнинг жанговар йиллардаги ва тинч қурилишдаги, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги жамики улуғвор зафарлари улуғ Ленин партиясининг номи билан боғланган.

Зотан, лойиҳанинг умумхалқ муҳокамаси вақтида Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз Конституциясига Ленин партияси тўғрисида махсус модда киритилишини зўр мамнуният билан кутиб олганликлари ғоят табиий ва диққатга сазовор ишдир.

Лойиҳага меҳнат коллективларининг, комсомолнинг, касаба союзларининг, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг ролини ошириш тўғрисида моддалар киритилганлиги партиянинг ишлаб чиқаришни бошқаришда демократик негизларни ривожлантиришга қаратилган принципиал йўлини амалга оширишдаги янгилик бўлди.

Иқтисодий системани таърифлашга катта ўрин ажратилган. Одамларнинг ўсиб борувчи моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш социализмда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсади эканлиги тўғрисидаги қоида лойиҳага киритилган.

Лойиҳада Ўзбекистон ССР экономикаси СССР территориясидаги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, тақсимот ва айирбошлашнинг ҳамма бўғинларини ўз ичига оладиган ягона халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми эканлиги, етук социалистик жамият экономикасининг асосий белгиларини акс эттириши алоҳида уқтириб ўтилган. Экономикага раҳбарлик халқ хўжалигини ривожлантириш ва социал-маданий қурилиш давлат планлари асосида тармоқ ва территориал принципини ҳисобга олиб амалга оширилади, дейилади лойиҳада.

Конституция лойиҳасига халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига раҳбарлик қилишнинг асосий принциплари киритилган.

«Давлат ва шахс» бўлимида СССР Конституциясига мувофиқ республика гражданларининг ҳуқуқлари ва бурчлари янгича баён этилган. Бу ҳуқуқ ва бурчлар анча кўпайтирилган, чуқурлаштирилган ва кенгайтирилган. Республика меҳнаткашларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қоидалар шахсни уйғун равишда ҳар томонлама ривожлантиришга, ишлаб чиқаришда, жамоат ҳаётида кенг ташаббус кўрсатишга, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишга, коммунистик аҳлоқ принципларига риоя этишга қаратилган.

Янги Конституция Ўзбекистон ССРнинг ҳар бир гражданига меҳнат қилиш, касб ўрганиш, дам олиш, соғлиқни сақлаш, қариган чоғда моддий таъминланиш, уй-жойли бўлиш, илм олиш, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини гарантиялайди. Фақат ривожланган социализм шароитида, чинакам демократия шароитидагина бунга эришиш мумкин. Конституция лойиҳаси оилани, оналик ва болаликни давлатнинг алоҳида ҳимоясига олади. Гражданларнинг давлат ва жамоат органларига уларнинг фаолиятини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритиш, камчиликларни танқид қилиш ҳуқуқлари мустаҳкамлаб берилганлиги шахс ҳуқуқларининг конституцион гарантияларига муҳим қўшимча бўлади. Бу — социалистик демократизмни изчиллик билан янада чуқурлаштириш нишонасидир.

Лойиҳада гражданларнинг Совет давлати манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлашга кўмаклашиш, жамоат мулкини ўғирлашга ва талон-торож қилишга қарши курашиш, табиатни эҳтиёт қилиб асраш ва уни муҳофаза қилиш, маданият бойликларини сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бурчи ҳам Конституция тусини олди.

Лойиҳада гражданларнинг ўз бурчларига риоя қилишларига муҳим аҳамият берилган. Унда СССР Конституциясида бўлгани каби, гражданларнинг ҳуқуқлари билан бурчларининг бирлигига алоҳида эътибор қилинган. Бизнинг мамлакатимизда К. Маркс ўз даврида айтган: «бурчларсиз ҳуқуқлар бўлмаганидек, ҳуқуқларсиз бурчлар ҳам бўлмайди», деган принцип амалга оширилди. Социалистик жамиятда гражданларнинг ҳуқуқлари уларнинг бурчлари билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон ССРнинг миллий давлат ва маъмурий-территориал тузилиши масалаларига лойиҳада катта эътибор берилган. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, — дейилади лойиҳада, — суверен Совет Социалистик давлатдир. Коммунистик жамиятни муваффақиятли қуриш, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий бирлигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини ва мудофаасини таъминлаш мақсадларида Ўзбекистон ССР ўз тақдирини ўзи эркин белгилаши натижасида ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида бошқа Совет Социалистик Республикалари билан биргаликда ягона кўп миллатли иттифоқ давлати — ССР Иттифоқига бирлашган.

Конституция лойиҳаси Советларни сайлаш тартибини, уларнинг фаолият принципларини, сайлов системасини ва халқ депутатининг ҳуқуқий статусини белгилайди. Гарчи лойиҳада давлат органлари мавжуд системасининг асослари сақлаб қолинган бўлса ҳам, у ана шу органларнинг компетенциясига, ишлаш тартибига ҳаёт тақозо этган ўзгартишларни ҳам киритади. Советларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти демократик принциплари янада ривож топади. Жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда Советларнинг роли кучайтирилади. Бу эса Лениннинг Советлар ҳокимиятининг «ваколатли, ҳал қилувчи» органлари эканлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларига мувофиқ келади.

Биз бугун муҳокама қилаётган лойиҳа СССР Конституциясига асосан посёлка Советларидан тортиб Олий Советгача барча босқичлардаги Советларнинг ваколатларига аниқлик киритади ва уни кенгайтиради, уларнинг ҳуқуқларини кўпайтиради, амалдаги қонунларнинг бир қанча нормаларини Конституция даражасига кўтаради.

Лойиҳага СССР Конституциясининг «Социал ривожланиш ва маданият» бобидан келиб чиқадиган бир қанча моддалар киритилган. Шу моддаларда республикада маориф, фан ва санъатни ривожлантириш тўғрисида, гражданларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ҳақида доимий ғамхўрлик қилиниши лозимлиги айтилган.

Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги талаб ҳам лойиҳада аниқ ифодалаб берилган. Конституцияга ва қонунларга риоя этиш барча давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг, жамоат ташкилотлари ва гражданларнинг бурчи эканлиги таъкидланган. Суд, прокуратура, ички ишлар органлари, арбитраж сингари давлат органлари, шунингдек халқ контроли зиммасига социалистик қонунчиликни таъминлаш соҳасида алоҳида масъулият тушади.

СССР Конституциясига мувофиқ, лойиҳага Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсатига ва Ўзбекистон ССР давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслари ҳамда гражданларининг мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш борасидаги бурчига тааллуқли махсус боб киритилган.

Конституция лойиҳасига «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани» деган янги махсус боб биринчи марта киритилган. Унда айтиладики, республиканинг иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани иқтисодий ва социал-маданий қурилиш соҳасидаги вазифаларни белгилайди, у Ўзбекистон ССР территориясидаги халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришнинг комплекс программасини, министрликлар, давлат комитетлари ва давлат бошқаруви бошқа органларининг планларини. Қорақалпоғистон Автоном Республикасини, барча областларини ва Тошкент шаҳрини иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш планларини ўз ичига олади.

Шу билан бирга, лойиҳада иттифоқчилик негизларини мустаҳкамлаш йўли ўз ифодасини топган. У бутун давлат аппаратини ташкил этиш ва унинг фаолияти асосини белгилайди.

Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасининг баъзи бир принципиал масалалари, қисқа қилиб айтганда, ана шулардан иборат.

ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ БУЗИЛМАС БИРЛИГИ

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон меҳнаткашлари Конституция лойиҳасининг ҳар бир моддасини зўр манфаатдорлик ва масъулият туйғуси билан ўрганиб чиқдилар ҳамда таҳлил этдилар. Конституция комиссияси шуни маълум қиладики, муҳокамада 5 миллион 557 минг киши қатнашди. Меҳнат коллективларидаги ва истиқомат жойларидаги йиғилишлар амалий руҳда, зўр активлик билан ўтди. Йиғилишларда 236 минг киши сўзга чиқди, матбуот, радио ва телевидениеда 5 минг 400 киши ўз фикр, мулоҳазаларини билдирди. Партия ва совет органларига лойиҳанинг айрим моддалари хусусида ҳам, шунингдек турли амалий масалалар хусусида ҳам эътиборга сазовор кўпгина таклиф ва мулоҳазалар тушди.

Энг муҳими шуки, муҳокама одамларни турмушимизнинг турли соҳаларидаги, ишимизнинг барча участкаларидаги аҳволни яна бир бор танқидий таҳлил этишга ундади, бу ишларни СССРнинг янги Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясининг лойиҳаси принциплари ҳамда талаблари даражасида туриб баҳолаш имконини берди.

Муҳокама Конституция лойиҳасини анча яхшилашга ёрдам берди. Конституция комиссиясига лойиҳани яхшилашга қаратилган жами 1480 та таклиф тушди. Конституция комиссияси бу таклифларни синчиклаб ўрганиб чиқди, системага солди ҳамда 17 та моддага ўзгартиш ва тузатишлар киритишни тавсия этади.

Энг муҳим таклифлар социалистик жамиятдаги меҳнатнинг ролига тааллуқлидир. Ҳар қандай ижтимоий фойдали меҳнат фахрли эканлиги, ҳар бир киши ўзининг ҳалол меҳнати билан Ватан бойлигини кўпайтириши лозимлиги таъкидланди. Меҳнат туфайли шон-шарафга сазовор бўлиш — кўпданоқ турмушимизнинг бош принципларидан бири бўлиб қолганлиги, бу принцип Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясида аниқ таърифлаб берилиши лозимлиги уқтирилди.

Бир қанча ўртоқлар социалистик меҳнатнинг ўсиб, коммунистик меҳнатга аста-секин айланиши лойиҳада ўз ифодасини топсин, деб таклиф қиладилар. Бу — фойдали таклиф. 1977 йилда республикадаги коммунистик меҳнат ҳаракатида икки миллион бир юз ўн тўрт минг киши, социалистик мусобақада эса 3,5 миллион киши ёки ишловчиларнинг 91 проценти қатнашди. Социалистик мусобақа диалектикаси тақозоси билан йигирманчи йилларнинг зарбдорларидан, дастлабки беш йилликларнинг стахановчиларидан коммунистик меҳнат зарбдорлари, бригадалари, заводлари ва шаҳарлари ўсиб етишди. Бошқа ҳар қандай воситадан кўра айни социалистик мусобақа меҳнатга коммунистик муносабат туйғусини тарбияламоқда.

Халқ мулкини эҳтиёт қилиб асраш тўғрисида жуда кўп таклифлар айтилди. Бу ҳам тўғри. Бу — биздаги меҳнат аҳли ўзини ўзи яратган моддий бойликларнинг хўжайини деб билаётганлигидан дарак беради.

Минглаб нутқларда деҳқончилик маданиятини ошириш, ҳар гектар экинзордан, ҳар куб метр сувдан максимал самарадорликка эришиш зарурлиги тўғрисидаги таклифлар айтилди. Бундай қилиш колхозларнинг, совхозларнинг, бошқа барча ердан фойдаланувчиларнинг мажбурий вазифаси бўлиб қолиши керак. Ер ва сувдан самарасиз фойдаланганлик учун, суғориладиган экинзорнинг қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолганлиги учун масъулиятни кучайтириш тўғрисида кўп кишилар айтган фикр ҳам актуалдир.

Энди гарчи кўпчилиги моҳият эътибори билан тўғри бўлса ҳам, аммо Конституция комиссияси ҳисобга олишни лозим топмаган таклифлар тўғрисида гапирмоқчиман. Чунончи, Конституцияда техника тараққиётининг жонкуярлари бўлмиш ихтирочилар ва рационализаторларнинг роли алоҳида таъкидлансин, деган фикр айтилди. Бунга эҳтиёж бўлмаса керак. Конституция ҳар бир гражданнинг ҳам техникавий, ҳам бадиий ижодкорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини гарантиялайди. Комиссиянинг фикрича, шунинг ўзи кифоя.

Касбга йўналтиришнинг ягона план системасини яратиш тўғрисидаги таклифни Конституция комиссияси тор масала деб ҳисоблади, ҳозирча уни республиканинг Асосий Қонуни лойиҳасига киритишга зарурат йўқ. Олий малакали ишчилар тайёрлашда ҳунар-техника таълимининг ролини кучайтириш тўғрисидаги таклиф хусусида ҳам шу гапни айтиш керак. Биз ҳунар-техника таълимининг ролини ҳар томонлама ошира берамиз, бироқ республика Конституциясида бу ҳақда алоҳида гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Лойиҳани «давлат шаҳар типидаги қишлоқ посёлкалари қурилишига кўмаклашади» деган қоида билан тўлдириш таклиф қилинди. Аслида, давлат шундай қилмоқда. Республика хуторларни тугатиш, истиқболли посёлкалар қуриш соҳасида собитқадамлик билан катта иш қилмоқда. Аммо бу нарса шаҳар билан қишлоқнинг турмуш даражасини бир-бирига яқинлаштиришдан иборат жуда муҳим социал вазифадан келиб чиқади. Бу вазифа эса Конституция лойиҳасида ўз ифодасини топган. Бизнинг назаримизда, уни алоҳида-алоҳида қисмларга бўлишнинг ҳожати йўқ.

Кўпгина хатларда Ўзбекистон ССРнинг Асосий Қонуни бунёдкорлик қонуни, бахт-иқбол манифести деб аталди. Сидқидилдан айтилган бу сўзларда Ватан учун фахрланиш, Коммунистик партия билан Совет давлатининг оқилона сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаш, совет кишиларининг турмуши доимо яхшиланаётганлиги учун миннатдорчилик туйғуси ўз ифодасини топган. Бу сўзлар СССР Конституциясини азиз билиб, унга амал қилиш, Ўзбекистон ССР Конституциясига риоя этиш, ана шу қонунларга биноан ишлаш ва яшаш тўғрисидаги муқаддас қасамёддир.

Депутат ўртоқлар! Конституция лойиҳасининг муҳокамаси республика меҳнаткашларининг юксак гражданлик активлигини, коммунистик онглилиги ва сиёсий етуклигини кўрсатди.

СССР Конституциясининг қабул этилиши, Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий жўшқинлигини мислсиз юксалтириб юборди. Бу жўшқинлик кучайиб бориб, янги-янги конкрет формалар касб этмоқда. Бутун совет халқи билан республика меҳнаткашлари ҳам СССР Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигини муносиб кутиб олиш учун, беш йилликнинг учинчи йилига қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун мусобақалашмоқдалар.

Саноат корхоналарининг коллективлари биринчи квартал планини муваффақиятли бажардилар ва 110 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот реализация қилдилар. Қурилиш ташкилотларининг иши яхшиланмоқда. Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимлари беш йилликнинг ҳал қилувчи йилини дадил бошладилар.

Шу билан бирга, ҳали бизда маҳсулотни реализация қилиш юзасидан белгиланган план топшириқларини бажармаётган, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини камайтиришга йўл қўяётган саноат корхоналари борлигини биринчи кварталнинг якунлари кўрсатди. Йўл қўйилган қолоқликка барҳам бериш ва саноатнинг ялпи маҳсулотини ишлаб чиқаришни камида 8—10 процент, меҳнат унумдорлигини эса 6—7 процент оширишни таъминлаш учун шошилинч чоралар кўрилиши керак. Ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг 80-85 процентини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олиш лозим.

КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюро ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев бизга ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг ана шу ва бошқа актуал проблемаларига асосий эътиборни қаратиш тўғрисида доимо йўл-йўриқ бериб турибдилар.

Леонид Ильич Брежнев Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб қилган ғоят муҳим ва самарали сафари вақтида партия, совет ва хўжалик органларининг диққат-эътиборини ишлаб чиқариш қувватларидан, хом ашё ва материаллардан тўла-тўкис ва оқилона фойдаланиш, ички резервларни аниқлаб, ишга солиш, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан кўпроқ маслаҳатлашиб туриш, уларнинг ютуқларини ҳамма жойда практикага жорий этиш зарурлигига қайта-қайта қаратди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Иркутск область комитетида сўзлаган нутқида давлат планларининг бажарилиши учун масъулиятни ошириш зарурлиги тўғрисида гапирди. «План, — деб таъкидлади у, — партия иқтисодий сиёсатини рўёбга чиқаришнинг бош воситасидир... Уни ҳеч сўзсиз бажариш керак. Биз сакрашларга, узилишларга йўл қўймай, бир маромда ишлашни ўрганишимиз керак, бу талаб ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир меҳнат коллективи турмуши ва фаолиятида асосий мезон бўлиб қолиши лозим».

Леонид Ильич ўз нутқларида капитал қурилишнинг туб проблемаларини ҳал этишга кўп эътибор берди. «...Саноат корхоналарининг ўз вақтида ишга туширилмаётганлигини ва қурилишлар чала қолаётганлигини» у бу соҳадаги асосий камчилик деб атади. Бу гап бизга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Бизнинг кўпгина қурилиш ташкилотларимиз ва буюртмачиларимиз пудрат ишлари планларини қиймат жиҳатидан бажарсалар ҳам, асосий фондларни ва қувватларни ишга тушириш планлари бажарилишини таъминламаяптилар.

Бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари янги қувватлар ва объектларни ишга тушириш муддатлари пайсалга солинганлигини изоҳлаш учун кўпдан-кўп сабабларни кўрсатаётганликлари тўғрисида ҳам гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Азиз ўртоқлар! бизга изоҳлар эмас, балки конкрет ишлар керак. Леонид Ильич Брежнев Владивостокда сўзлаган нутқида жуда ҳаққоний гап айтди: «Бир раҳбар айбни иккинчисига тўнкайдиган, унга қурилиш материаллари, қувурлар ва шу сингарилар етказиб берилмаганлигини даъво қиладиган ҳолатга чек қўйиш керак. Бундай гаплар билан масъулиятни зиммадан соқит қилиб бўлмайди. Биз министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари ўзаро беҳуда ёзишмалар билан шуғулланишлари учун уларга ҳуқуқлар бериб қўйган эмасмиз, балки конкрет амалий масалаларни ҳал қилсинлар, деб шу ҳуқуқларни берганмиз». Ҳар бир раҳбар ходим шу кўрсатмани доимо эсда тутиши керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига кўп эътибор берди. Жумладан, Новосибирск область партия-хўжалик активининг йиғилишида, Красноярск ўлкасида ҳамда Узоқ Шарқдаги ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари кенгашида Леонид Ильич Брежнев экиш кампаниясини қисқа муддатларда ва ҳеч нобудгарчиликка йўл қўймай юқори сифатли ўтказиш — мўл ҳосил олиш гарови эканлигини айтди. Бугунги кунгача республикада чигит экиш асосан тугалланди, маккажўхори экиш плани 82 процент, беда экиш плани 92 процент бажарилди, биз шоли экишга киришдик.

Ҳамма экинлар уруғини тўла-тўкис ва қийғос ундириб олиш учун курашни ҳамма жойда ташкил этиш, бу йил ҳам рекорд миқдорда «оқ олтин» ҳосили олишни кўзлаб ғўза парваришини жадал кучайтириб юбориш — партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозларнинг энг катта ва масъулиятли вазифасидир.

Дон учун маккажўхори экиш юзасидан белгиланган топшириқ бажарилиши лозим. Сурхондарё области маккажўхорикорларининг ғалла ва бошқа экинлар ҳосили йиғиштириб олингандан кейин дон учун маккажўхори такрор экиш тажрибаси кенг жорий этилсин. Тўрақўрғон райони маккажўхорикорлари намунаси асосида республиканинг барча қишлоқ районларида «каҳрабо дон» етиштиришни кўпайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

Фермаларнинг ходимлари олдида катта вазифалар турибди.

Республика меҳнаткашларига мурожаат қилиб, чорвачилик маҳсулдорлигини кескин оширишга чақирган Нурота райони чорвадорларининг қимматли ташаббуси ҳамма жойда қўллаб-қувватланиши керак.

Леонид Ильич ҳамиша бўлганидек Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб қилган сафари вақтида ҳам моддий ишлаб чиқаришдан кузатилган мақсад халқ фаровонлигини оширишдан иборат эканлигини таъкидлади. У «...Турмуш учун яхши шароитлар яратиб беришни, уй-жойлар, клублар, мактаблар қурилишига кўпроқ эътибор беришни ҳамда бу ишни зарур кўламда ва дуруст техникавий савияда бажаришни» маслаҳат берди. Бу ғоят партиявий вазифани барча партия, совет органлари, ҳамма министрликлар ва идоралар, барча жамоат ташкилотлари ҳал қилишлари лозим.

Шуни яна бир карра такрорламоқчиманки, Леонид Ильич Брежнев айтган ҳамма мулоҳазалар, таклифлар ва тавсиялар бизнинг республикамизга бевосита тааллуқлидир. Бинобарин, бизнинг вазифамиз бу таклиф ва тавсияларни муваффақиятли бажариш учун, ҳамма бўғинларда интизомни мустаҳкамлаш, масъулиятни ошириш учун, халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш услуби ва методларини доимо такомиллаштириш учун ўзимиздаги катта имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишдан иборат.

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР Конституциясининг лойиҳасини муҳокама қилиш вақтида республика меҳнаткашлари мамлакатимиз олтмиш йилдан кўпроқ вақтдан бери бирдан-бир тўғри социалистик ривожланиш йўлидан бораётганлиги учун Ленин партиясига ўзларининг астойдил миннатдорчилик ва ташаккур туйғуларини изҳор этдилар. Улар СССР халқлари қардошларча дўстлигининг улуғвор аҳамиятини, бу дўстликни доимо, ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар.

Ҳамма нутқлар ва хатларда фикр-мулоҳазаларнинг кенглиги, ишга давлат манфаатларини кўзлаб ёндашиш, Ватанга қизғин меҳр-муҳаббат ҳис-туйғулари сезилиб турибди. Зотан, Ўзбекистон ССРнинг янги Асосий Қонунини тайёрлаш соҳасидаги катта ва самарали ишни якунлаш вақтида: Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Конституциясини Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари ижод этдилар, деган хулоса табиий равишда келиб чиқади.

Конституция лойиҳасини муҳокама қилишда қатнашган, таклифлар ва мулоҳазалар киритган барча кишиларга Ўзбекистон ССР Олий Совети номидан самимий миннатдорчилик изҳор этишга, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, партия режаларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш йўлидаги курашда катта меҳнат муваффақиятларига эришувларини тилашга ижозат бергайсизлар.

Конституция комиссияси республика меҳнаткашларининг ҳамма мулоҳазалари, истаклари, таклифларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Олий Советидан тақдим этилган лойиҳани муҳокама қилишни, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг янги Конституциясини қабул қилишни сўрайди. Комиссия Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Конституциясини (Асосий Қонунини) қабул этиш ва эълон қилиш тўғрисидаги Декларациясини ҳамда Ўзбекистон ССР Конституциясини кучга киритиш тартиби тўғрисидаги қонунини ҳам кўриб чиқиб, қабул этишни сўрайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети бу таклифларни қўллаб-қувватлайди, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ана шу тарихий ҳужжатлар орқали партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги, республика меҳнаткашларининг мангу барҳаёт марксизм-ленинизм ғояларига чексиз содиқлиги яна бир бор яққол намоён этилади. Янги Конституция Совет Ўзбекистонини социал-сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада ривожлантиришнинг қудратли тезлатгичи бўлади, республика меҳнаткашларининг мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат буюк ишга қўшаётган ҳиссасини кўпайтиришга ёрдам беради. **(Давомли қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ VI СЕССИЯСИ

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Депутат И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ нутқи

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Биз муҳокама қилаётган Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси бир вақтлар чекка қолоқ ўлкадан қудратли индустрия, йирик ва юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигига, илғор маданиятга эга бўлган республикага айланган Ўзбекистоннинг барқ уриб яшнаётганлигини яққол кўрсатувчи далилдир. Республика меҳнаткашлари мана шу муваффақиятларнинг ҳаммасига ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилганлиги, мамлакатимиздаги барча халқларнинг ва биринчи навбатда буюк оғамиз улуғ рус халқининг ҳолисона катта ёрдами туфайли эришганлиги ғоят диққатга сазовордир.

Бизда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Буни областимиз мисолида яққол кўриш мумкин. Область ташкил топган биринчи йил — 1941 йилда 127 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда 800 миллион сўмлик маҳсулот чиқарилмоқда. Пахта етиштириш шу давр ичида икки баравар, хўжаликдаги мутахассислар сони беш баравар кўпайди.

Бизнинг келажагимиз янада порлоқ. Жуда яқин йиллар ичида янги заводлар ва фабрикалар қад кўтаради. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ошади. Фан ва соғлиқни сақлаш ишлари янада ривож топади.

Область меҳнаткашлари мана шу ғалабаларнинг ҳаммаси учун жонажон партия ва Совет ҳукуматига, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневга қизғин миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Андижонликлар 1978 йилда зарбдорларча меҳнат қилишга бел боғладилар. Область саноати, қурилиши, транспорти ва алоқа органларининг ходимлари биринчи квартал планини яхши бажардилар. Чорвадорларимиз ҳам давлатга гўшт, сут, жун, тухум сотиш квартал топшириғини муваффақиятли туғаллаб, шонли меҳнат қилдилар.

Леонид Ильич Брежневнинг мамлакатимиз шарқий районларига қилган сафари вақтида берган йўл-йўриқлари ва тавсиялари бизни меҳнатда янги-янги муваффақиятларга руҳлантирмоқда. Леонид Ильичнинг сибирликлар ва узоқшарқликлар билан, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари билан учрашувлари партия ва халқнинг бузилмас бирлигини, омманинг Ленин партиясига чексиз ишончини янги куч билан намойиш қилганлиги ҳаммамизни қувонтирмоқда.

Республика янги Конституциясининг лойиҳасини маъқуллаш ва қабул қилишни таклиф қиламан. Областимиз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун куч ва ғайратларини аямай ишлайдилар, деб партия ва ҳукуматга ваъда берамиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Е. Т. СМАГИН нутқи

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ «ПРОММОНТАЖ» БОШҚАРМАСИ МОНТАЖЧИ-СЛЕСАРЛАРИНИНГ БРИГАДИРИ

Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ва унинг якдиллик билан маъқулланаётганлиги республикамиз меҳнаткашлари давлатнинг, жамиятнинг манфаатларини ўзларининг жонажон иши, деб билганликларини исбот этади.

Улар республика экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш ҳақида, умумхалқ Совет давлатини мустаҳкамлаш тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жиҳатларини такомиллаштириш, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун социалистик тузум ўзларига яратиб берган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўлароқ фойдаланишга интилмоқдалар.

Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг лойиҳаси республика ижтимоий тараққиётининг якунларини мустаҳкамлаши, суверен республика бутун демократик системасининг ҳуқуқий пойдевори бўлиши, миллий давлатчиликни ташкил этиш асосларини белгилаб бериши керак. Бу лойиҳа совет жамиятининг сиёсий системасини ҳар томонлама ривожлантириш вазифасини илгари сурган КПСС XXV съездининг йўл-йўриқларига тамомила мос бўлиб тушади.

Бутун мамлакатда бўлгани каби бизнинг республикамизда ҳам ривожланган социалистик жамият қурилди. Бу жамиятда қудратли ишлаб чиқарувчи кучлар вужудга келтирилди. Бу жамият етук социалистик ижтимоий муносабатлар жамияти, ватанпарвар ва интернационалист меҳнаткашларнинг юксак уюшқоқлиги, ғоявийлиги ва онглилиги жамиятидир. Бу— гражданларнинг реал ҳуқуқлари ва эркинликларини уларнинг жамият олдидаги бурчлари ва масъулияти билан бирга қўшиб олиб борувчи чинакам демократия жамиятидир. Халқимиз эришган ана шу жуда катта ғалабаларнинг ҳаммаси республика Конституцияси лойиҳасида мустаҳкамлаб берилди.

Ана шу буюк социал ғалабаларни эътиборга олганда «эркин дунё» маддоҳларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги сафсата гаплари тамомила кулгилидир. Дарҳақиқат, капиталистик дунё шароитида инсон ўзининг табиий ҳуқуқи — меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган экан, ҳозирги вақтда Ғарб дунёсида 15 миллионга яқин киши ишсиз экан, қандай эркинлик тўғрисида сўз бўлиши мумкин.

Халқимиз меҳнат ҳамма нарсанинг негизидир, дейди. Эркин меҳнат деб, Октябрь социалистик революцияси амалга оширилди. Эркин меҳнатгина барча социал эркинликларнинг негизидир. Бинобарин, меҳнат қилиш ҳуқуқи бўлмаган жойда бошқа ҳеч қандай эркинликлар ҳам йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Бизнинг мамлакатимизда аҳвол тамомила бошқача. Мен оддий бир ишчиман. Мени республика Олий Советининг депутати қилиб сайладилар ва республикамизнинг энг муҳим ҳужжати — Ўзбекистон ССР Конституцияси муҳокамасида қатнашмоқдаман. Бу чинакам халқ ҳокимияти эмасми ахир!

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари каби мен ҳам Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасини маъқуллайман. **(Қарсаклар).**

Депутат К. РАҲИМБОЕВА нутқи

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 131-ЎРТА МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИ

Конституциямиз лойиҳасининг ҳар бир сатри, унинг ҳар бир моддаси инсон ҳақида, унинг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳи билан суғорилган.

Конституция лойиҳасининг 43-моддасида Ўзбекистон ССР гражданлари илм олиш ҳуқуқига эгадирлар, дейилган. Бу сатрлар чуқур маънога эгадир. Бу ҳуқуқ илм олишнинг ҳамма турлари текинлиги, ёшларга умумий мажбурий ўрта таълим бериш амалга оширилиши, ҳунар-техника таълимини кенг ривожлантириш, ўрта махсус ва олий таълим билан таъминланади.

Ниҳоят совет кишилари мактабларда, техникумларда, олий ўқув юртларида ўз она тилида ўқиш каби буюк ҳуқуққа эгадирлар. Кўпмиллатли республикамизнинг вакиллари бу ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланмоқдалар. Ўрта мактабларни битириб чиқувчилар ишлашлари, олий ўқув юртида ўқишлари мумкин. Давлат улар учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб берган.

Партия ва давлат халқ маорифига жуда катта эътибор бермоқда ва ўқитувчилар тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ўтган йилнинг охирида умумий таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида таълим-тарбия ишини такомиллаштириш ва уларни меҳнатга тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар. «СССР халқ ўқитувчиси» фахрий унвони таъсис этилди. Энг яхши ўқитувчилар Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлаётирлар.

«Социал тараққиёт ва маданият», «Ташқи сиёсий фаолият ва социалистик Ватанни ҳимоя қилиш» каби бўлимлар янги Конституция лойиҳасига киритилганлиги ҳам алоҳида диққат-эътиборга сазовордир.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси янги Конституциясининг қабул қилиниши республикамиз тарихида янги даврнинг бошланишидир. Ўзбекистон меҳнаткашлари бу тарихий ҳужжатни ифтихор билан қабул қиладилар.

Мен маориф ходимларининг кўп минг кишилик отряди номидан Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасини маъқуллашни таклиф этаман. **(Қарсаклар).**

Депутат Е. АЙТМУРОТОВ нутқи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

Мамлакатимизнинг халқлари 60 йил мобайнида қардош халқларнинг ленинча оиласида шонли йўлни босиб ўтдилар. Ленинчи Коммунистик партия, Улуғ Октябрь революцияси бизга ана шу нурафшон йўлни очиб берди.

Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси бир ой давом этди. Бу муҳокама халқимиз ҳаётидаги унутилмас воқеа — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари бўйлаб қилган сафари билан бир вақтга тўғри келди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу районлар меҳнаткашлари билан учрашувлари партия ва халқнинг бирлигини янада зўр куч билан намойиш қилди.

Ўзбекистон ССРнинг таркибий қисми бўлган Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари юбилей йилида қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Аммо биз ҳозирги кунда кечагидан яхшироқ, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлашимиз керак. Партия бизга ютуқлардан кибрланиб кетмаслик, қилинган ишларга танқидий баҳо бериш керак, деб таълим бермоқда.

Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси даврида республикамизда Қорақалпоғистон АССР Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқувчи комиссия тузилди. Ўзбекистон ССР Конституцияси қабул қилинганидан кейин бу лойиҳа автоном республикамизда умумхалқ муҳокамасига қўйилади.

Маълумки, план ва бюджет ижросининг якунларини тасдиқлаш Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ҳуқуқлари доирасигагина киради. Шу муносабат билан 129-модданинг учинчи қисмини «Қорақалпоғистон АССР бюджети» деган сўзлардан кейин «ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар» сўзлари билан тўлдиришни таклиф этаман. Автоном республика Министрлар Совети халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг қарор ва фармойишларинигина эмас, автоном республика министрликлари ва давлат комитетларининг актларини ҳам бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Шу сабабли 133-модданинг иккинчи қисмини қуйидагилар билан тўлдириш зарур деб ҳисоблайман: «Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССР министрликлари, давлат комитетлари ва ўз қарамоғидаги бошқа органларнинг актларини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир».

Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари бўлим ва бошқармаларнинг рўйхати автоном республиканинг қонунчилиги билан ҳам белгиланганлиги сабабли 149-модданинг иккинчи қисмини «ва Ўзбекистон ССР» сўзларидан кейин «Қорақалпоғистон АССРда эса Қорақалпоғистон АССР қонунчилиги» деган сўзлар билан тўлдиришни таклиф этаман.

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг лойиҳасини якдиллик билан маъқуллайдилар. Улар янги Конституциядан илҳомланиб, бундан буён ҳам КПСС XXV съездининг қарорларини муваффақиятли амалга оширадилар, беш йиллик топшириқларини ва олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажарадилар. **(Қарсаклар).**

Депутат А. КАРИМОВ нутқи

БУХОРО ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

СССР Асосий Қонунига тўла мувофиқ равишда, республиканинг хусусиятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган Ўзбекистон ССР Конституциясининг лойиҳаси Ўзбекистон совет халқларининг қардошлик оиласида улуғ Ленин партияси раҳбарлигида босиб ўтган шонли йўлини аниқ ва тўла-тўкис акс эттиради.

Область коммунистлари, барча меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилган чоғда ўз эътиборларини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг янги резервларини қидириб топишга ва сафарбар этишга қаратдилар. Минглаб илғор меҳнатчилар, юзлаб меҳнат коллективлари илгари қабул қилган мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, ўз зиммаларига янги, оширилган мажбуриятлар олдилар.

Белгиланган юксак марраларни эгаллаш учун кураш кун сайин кучайиб бормоқда. Область саноати графикдан ўзиб ишламоқда, биринчи квартал планидан ташқари 5 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Областда капитал қурилиш кенг кўламда олиб борилмоқда, транспорт ва алоқа корхоналарининг иши такомиллаштирилмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари Ватанга 600 минг тонна Бухоро пахтасини етказиб беришдан иборат ўз олдиларига қўйилган юксак мақсад сари дадил олға бормоқдалар. Чорвадорлар зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Область коммунистлари, барча меҳнаткашлари Конституция лойиҳасини муҳокама қилар эканлар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ шаҳарларида сўзлаган нутқларида баён этилган йўл-йўриқларга амал қилиб, ишнинг аҳволини ҳар томонлама таҳлил этиб, уни янада яхшилаш юзасидан конкрет таклифлар киритмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш экин майдонларини кенгайтиришни қаттиқ талаб қилмоқда. Ҳозирги вақтда ҳар бир районда йирик массивларда янги ерлар ўзлаштирилмоқда. Ана шу ерларни сув билан таъминламоқ учун биз барча мавжуд ички резервлардан фойдаланмоқдамиз: мавжуд каналларнинг сув ўтказиш қобилиятини кўпайтирмоқдамиз, сув омборларининг сиғимини кенгайтирмоқдамиз, насос станциялари қурмоқдамиз.

Биз бугун сессияда ўз ишларимиз ва режаларимиз республиканинг янги Конституцияси билан чамбарчас боғланганлиги ҳақида гапирмоқдамиз. Бу эса қонуний бир ҳолдир, чунки ана шу муҳим ҳужжатнинг ҳар бир боби, ҳар бир моддаси республикамиз меҳнаткашлари эришган ғоят муҳим ютуқларни ва коммунистик қурилиш соҳасида улар олдида турган вазифаларни акс эттиради.

Областнинг барча меҳнаткашлари топширувига биноан янги Асосий Қонунни тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритаман. **(Қарсаклар).**

Депутат М. КАМОЛОВ нутқи

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Сессиямизда республика янги Конституциясининг лойиҳаси муҳокама этилишидан олдин партия ва мамлакат ҳаётида муҳим воқеа бўлиб ўтди — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Сибирь ва Узоқ Шарқнинг бир қанча шаҳарларига сафар қилди. Бўлиб ўтган учрашувлар Коммунистик партия билан совет халқининг бузилмас бирлигини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланди. Бу учрашувларда совет кишилари Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга изҳор қилаётган чуқур иззат-ҳурмат, меҳр-муҳаббат ва ишонч туйғулари ифода этилди.

Леонид Ильич ўз сафари вақтида ўртага қўйган вазифалар Наманган области коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг диққат марказида турибди. Улар ўнинчи беш йиллик учинчи йили топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш учун азму қарор қилганлар.

Ўзбекистон ССР Конституциясининг Олий Совет муҳокамасига тақдим этилган лойиҳаси СССР Конституциясига тўла мувофиқ равишда ишлаб чиқилган. Бу лойиҳада КПСС Марказий Комитети 1977 йил май ва октябрь Пленумларининг қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладлари ва нутқларида баён этилган барча принципиал хулосалар ва қоидалар ўз ифодасини топган. Лойиҳа республикада социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибасини умумлаштириб, бойитади, кейинги йилларда иттифоқ ва республика қонунларини янгилаш ҳамда такомиллаштириш соҳасида олиб борилган ишларга асосланади.

Бутун республиканинг меҳнаткашлари каби Наманган областининг меҳнаткашлари ҳам бу ғоят муҳим ҳужжатни қизғин ва якдиллик билан маъқулламоқдалар. Республика Асосий Қонуни лойиҳасининг муҳокама этилиши барча меҳнаткашларимизнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада кучайтириб юборди. Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш юзасидан шу йилнинг биринчи квартал планини ошириб бажардилар. Чигит, ғалла, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари қисқа муддатларда ва юксак агротехника даражасида муваффақиятли экиб бўлинди.

Ҳозирги вақтда бутун эътиборимиз чигитни дуркун ва бехато ундириб олишга, дастлабки ишлов беришни ўз вақтида, сифатли ўтказишга ва шу билан пахтадан барвақт, мўл ҳосил олинишини, юксак социалистик мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга қаратилган. **(Қарсаклар).**

Депутат З. ИСРОИЛОВА нутқи

«САОДАТ» ЖУРНАЛИНИНГ БОШ РЕДАКТОРИ

Орадан кўпгина йиллар, кўпгина шонли воқеалар ўтади, лекин республикамиз Олий Советининг бугунги сессияси унинг иштирокчилари, шунингдек келгуси авлодларимиз хотирасида алоҳида сақланиб қолади. Чунки биз бугун инсон меҳнати шонли ғалабаларининг тимсоли, келажагимиз кўзгуси, орзу-истакларимиз тўла рўёбга чиққанлигининг кўзгуси бўлган республикамиз Асосий Қонунини қабул қилмоқдамиз.

Биз асрлар мобайнида ҳукмронлик қилиб келган феодализмдан тарихий жиҳатдан қисқа муддат ичида ривожланган социализмнинг мутлақо янги оламига ўтдик. Лойиҳада ўтмиш тўғрисидаги хотира, бугунги куннинг ташвишлари, келажак тўғрисидаги орзу муносиб равишда ўзининг яхлит ифодасини топган, унда жамият ривожланишининг барча асосий масалалари жамланган.

Республикамизнинг Асосий Қонуни ҳар биримиз учун энг муқаддас қонундир. Бу бизнинг шундай буюк китобимизки, уни халқнинг ўзи ёзган. Бу китобнинг ҳар бир боби, ҳар бир моддаси оддий инсон тўғрисидаги меҳрибонлик қиссасидир. Бу китобнинг ҳар бир боби, ҳар бир моддаси Советлар мамлакатининг улуғворлиги тўғрисида, барча совет кишиларининг—эркаклар ва аёлларнинг, ишчилар ва деҳқонларнинг, меҳнаткаш зиёлилар намояндаларининг тенг ҳуқуқлилиги ва бурчлари тўғрисида ҳикоя қилади. Социалистик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси бу китобда ўзини кўриши, ўзининг кишини ҳайратда қолдирадиган ва ёрқин тақдирини, ажойиб келажагини кўради.

Биз, ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари ижодимиз тўғрисидаги ғамхўрликни янада юксак даражага кўтарадиган республикамиз Конституциясини зўр қониқиш ва шод-хуррамлик билан маъқуллаймиз. Биз, маданият аҳли республикамизнинг донгдор ишчилари ва деҳқонлари билан бир қаторда шонли халқимизга муносиб яхши асарлар яратишни ва коммунистик ғояларни кенг пропаганда қилишни ўзимизнинг гражданлик бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Республика Асосий Қонунида бизнинг тўғримизда қилинаётган ғамхўрлик жамиятимиз ҳаётида ижодкорларнинг роли ғоят муҳимлигини алоҳида таъкидлайди ва жамият олдидаги вазифаларимизни аниқ белгилаб беради.

Бу қонунни ўзимиз яратдик. Қонун эса бизни камол топтирди. Бу қонун бизни ҳимоя қилади. Биз эса кундалик меҳнатимиз, ижодимиз, бутун ҳаётимиз билан уни ҳимоя қиламиз.

Бу сермазмун буюк китобни — Конституцияни ушбу сессияда қабул қилар эканмиз, мен шунинг учун беҳад шод-хуррамманки, ўз сайловчиларимнинг иродасини, маданият ходимларининг иродасини амалга ошира оламан ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси учун овоз бера оламан.

Конституциямиз бамисоли машъалдек келгусидаги йўлимизни нурафшон қилиб турибди. Бизнинг келажагимиз эса қувончли ва ажойибдир. Халқимиз бир танбир жон бўлиб, аҳил бўлиб, ҳал этадиган вазифалар эса ғоят равшандир. **(Қарсаклар).**

Депутат П. Х. КАН нутқи

«ДЖИЗАКСТЕПСТРОЙ» ТЕРРИТОРИАЛ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ

Конституция лойиҳасининг муҳокамаси кенг авж олиб кетганлиги барча меҳнат коллективларининг ижодий кучларига янги куч қўшиб, уларнинг активлиги ва ташаббусини оширди. Лойиҳа муҳокамаси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқнинг бир қанча районларига қилган сафаридек муҳим воқеага тўғри келиб қолди. Леонид Ильичнинг меҳнаткашлар, партия ва хўжалик активи билан бўлган учрашувлари ва суҳбатлари барча совет кишиларининг ҳамда чет элдаги кенг жамоатчиликнинг диққат марказида бўлдики, бу партиямиз ва давлатимиз халқаро вазиятни соғломлаштиришга, совет халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини таъминлашга нақадар изчиллик билан эришаётганлигини бутун дунёга яққол намойиш қилиб кўрсатди. Совет кишиларининг Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига бўлган самимий ва чуқур ҳурмат-эҳтироми, меҳр-муҳаббати ва ишончи ана шу учрашувларда ўз ифодасини топди.

Ишлаб чиқарувчи кучлардан фойдаланишнинг самарадорлигини янада ошириш, кишиларнинг моддий ва маданий даражасини юксалтириш ҳақида ҳамиша ғамхўрлик қилиш зарурлиги тўғрисида Леонид Ильич Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсиялари зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Бу бизлар, халқ сайлаб қўйган кишилар учун жанговар ҳаракат программасидир.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда демократик асосларни ривожлантириш, меҳнаткашлар коллективларининг ролини кучайтириш борасида партиямизнинг қатъият билан тутган йўли Конституция лойиҳасида ўзининг яққол ифодасини топган. Социалистик мусобақа жамиятнинг худди ана шу бошланғич ташкилотларида ривожланмоқда, меҳнатнинг илғор усуллари кенг тарқалмоқда, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, коммунистик тарбия соҳасида катта иш олиб борилмоқда, коллектив аъзоларининг сиёсий онгини, маданий ва профессионал малакасини ошириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилинмоқда.

Кишиларнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш социализмда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсади эканлиги тўғрисидаги қоида Конституция лойиҳасига киритилгандир. Коммунистик партия билан Совет давлати совет халқининг бахт-саодати тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб ана шу мақсаднинг амалга оширилишига актив ёрдам бермоқда. Асрлар мобайнида мамлакатнинг сувсиз чанқоқ ётган ерларини ўзлаштириш, бу ерларни яшнаган ва унумдор экинзорларга айлантириш тўғрисида партия ва ҳукуматнинг жуда катта ғамхўрлиги бунинг ёрқин далилидир.

«Джизакстепстрой» коллективи 1978 йилда ўз зиммасига оширилган социалистик мажбуриятлар олди. Резервларни ижодий қидириш бугун ҳар бир қурувчининг кундалик иши бўлиб қолди. Биз олган мажбуриятларни муваффақиятли бажараётирмиз, деб айтишга ижозат бергайсиз.

Биз бугун барча сайловчиларнинг иродасини ифодалаб Ўзбекистон ССР янги Конституцияси учун овоз бериш билан республикамизнинг янада гуллаб-яшнаши учун, доно Ленин партияси учун, халқларнинг дўстлиги ва биродарлиги учун, фарзандларимизнинг келажаги учун, ажойиб диёримизнинг осмони мусаффо бўлиши учун ҳаммамиз овоз берган бўламиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Т. ОХУНОВА нутқи

ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ КИРОВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ БРИГАДА БОШЛИҒИ

Қандай катта бахтга ва қувончга сазовор бўлганимни ифодалаш қийин. Мен, ўзбек аёли, оддий меҳнаткаш аёл, шу фахрли минбарга чиқиб сўзлашдек буюк шарафга муяссар бўлдим. Республикамиз солномасига Ўзбекистон ССРнинг янги Асосий Қонунини қабул қилган сессия бўлиб кирадиган бу анжуманда сўзлаш имконияти берилди.

Совет Конституцияси тарихда биринчи марта ҳаётнинг ҳамма соҳаларида хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқни таъминлади. билим олиш, ўз шахсининг уйғун ривожланиши учун хотин-қизларга кенг имкониятлар, бахтиёр оналик учун шарт-шароитлар яратиб берди.

Миллион-миллион меҳнаткаш хотин-қизлар сингари мен ҳам буни ўз шахсий ҳаётимда кўриб турибман. Болаларни тарбиялаш билан бир вақтда мен пахтачилик бригадасига ҳам бошчилик қилмоқдаман. Бригада ўтган йили гектаридан 61,7 центнердан пахта олди. «Зангори кема» бункеридан ўтган йил кузда 450 тонна «оқ олтин» тўкдим.

Мана шу қувончли ва тантанали кунда мен давлатимизнинг гуллаб-яшнаши тўғрисида, совет кишилари турмуш даражасини ошириш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилаётганликлари учун жонажон партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга самимий ташаккур изҳор этишни хоҳлайман. Мана шуларнинг ҳаммаси бизни партия топшириқларини бажариш учун астойдил меҳнат қилишга даъват этмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси бизнинг хўжалигимизда бўлиб ўтган йиғилишларда муҳокама қилинди. Бу муҳим ҳужжат СССР Конституциясига тамомила мувофиқ равишда ишлаб чиқилганлигини қувонч билан таъкидлаб ўтаман. Колхозимизнинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари республика Асосий Қонунининг лойиҳасини тўла-тўкис маъқулладилар.

Леонид Ильич Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажариш, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш йўлидаги умумхалқ курашига янги қудратли мадад берди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг тавсиялари ва йўл-йўриқларини барча совет кишилари сингари колхозимиз меҳнаткашлари ҳам жанговар ҳаракат программаси деб қабул қилдилар.

КПССнинг белгилаб берган барча режаларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратимизни, маҳоратимизни сарфлаймиз, деб партия ва ҳукуматимизга ваъда беришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

УЛУҒ МАМЛАКАТНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

Советлар мамлакатининг янги Конституцияси ривожланган социализм жамиятининг чинакам манифести бўлиб қолди. «Улуғ Ватаннинг Асосий Қонуни» деган янги хроникал-ҳужжатли кўп метражли рангли фильм бу Конституция қоидалари замондошларимизнинг турмуши ва тақдирида қандай акс этаётганлиги, тинчлик, эркинлик ва ҳуқуқий тенглик ғояларидан илҳомланган совет халқининг зафарлари тўғрисида ҳикоя қилади. Ҳужжатли фильмлар марказий студияси яратган киноленталар 17 апрель куни пойтахтдаги «Октябрь» кинотеатрида кўрсатилди.

Картинада мамлакатнинг янги Конституциясини қабул қилган СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси иши, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг сессияда сўзлаган нутқи тасвирланган.

Фильмда Совет ҳокимиятининг Асосий Қонунда мустаҳкамлаб берилган буюк ғалабалари, КПСС ва Совет давлатининг тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун тинмай олиб бораётган кураши кўп материаллар асосида яққол ҳикоя қилинади.

Янги ҳужжатли фильм мамлакат экранларига чиқарилади.

(ТАСС мухбири).

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

18 апрель куни Тошкентда СССР ва Франция кунлари бошланди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари союзи, «СССР-Франция» ва «Франция-СССР» жамиятлари томонидан уюштириладиган шу анъанавий дўстлик байрами бу сафар Ўзбекистонда ўтказилмоқда.

СССРда Франция кунларининг қатнашчилари В. И. Ленин ҳайкали пойига ҳамда Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

«Франция — СССР» уюшмасининг президенти жаноб Ги Дессон бошчилик қилаётган франциялик меҳмонлар делегацияси биринчи кунни республиканинг пойтахти билан танишишга бағишлади. Улар Тошкентнинг меъморчилик ансамблларини кўздан кечирдилар, унинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, метрополитенда бўлиб, унинг архитекторлари ва қурувчиларига юксак баҳо бердилар.

«Охирги марта Тошкентда бўлганимга 20 йилдан ошибди. Шундан бери шаҳарнинг қиёфаси ғоятда ўзгарган, — деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда Франция делегациясининг раҳбари Ги Дессон. — Эски иморатлар ўрнида кўп қаватли баланд бинолар қад кўтарган, ғоят кўркам проспектлар ўтган. Бу ерда замонавий архитектура миллий меъморий анъаналар билан ажойиб равишда пайваста бўлиб кетганлиги эътиборга сазовордир». Тошкент шаҳар ижроия комитетида франциялик меҳмонлар билан суҳбат бўлди.

Кечқурун транспарантлар ва кўклам гуллари билан безатилган «Баҳор» концерт залида СССРда Франция кунларининг очилиши маросими бўлди. Санъат усталари концерт қўйиб бердилар.

(ЎзТАГ).

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТЎЛҚИНИДА

Бухоро графит-гипс комбинатининг коллективи меҳнат байрамини зарбдорларча нишонлашга қарор берди. 22 апрель куни 9 минг сўмлик, яъни одатдагига қараганда 2 минг сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинади. Область бинокорлари 800 квадрат метр гипс плита, минг тонна майдаланган тош, 200 тонна қурилиш гипси оладилар. Корхона территорияси ва яқин атрофдаги кўчалар обод қилинади.

* * *

Тошкент керамзит заводининг бутун коллективи Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалигида иштирок этишга қарор қилди. Корхона меҳнаткашлари Қизил шанбаликда 500 кубометр керамзит ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Бу маҳсулот шаҳар қурилишларига, шунингдек уйсозлик комбинатларига юборилади. Шу куни бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган бригадалар смена топшириқларини 15—20 процент ошириб адо этишга сўз берди. Корхона меҳнат байрами кунида пландан ташқари жами 5 минг сўмлик юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради.

Республика колхоз ва совхозларида дон учун маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида шу йил 18 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — топшириқ (минг гектар ҳисобида); учинчи устун — экилган майдон; тўртинчи устун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида.

СУРХОНДАРЁ	10,0	10,0	100,0
ҚАШҚАДАРЁ	15,0	15,0	100,0
Сирдарё	13,0	12,9	99,2
Бухоро	15,0	14,0	93,3
Самарқанд	16,0	14,9	93,1
Тошкент	17,0	15,8	92,9
Фарғона	15,0	13,2	88,0
Наманган	13,0	11,0	84,6*
Андижон	15,0	11,9	79,3
Жиззах	16,0	11,5	71,9
Хоразм	11,0	6,4	58,8
ҚҚАССР	18,0	4,9	27,2
Республика бўйича	174,0	141,5	81,3

*) — Маълумот аниқланган.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Р. 00305. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2388.